

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Da'vat

Biz ko'zlagan orzumaqsadlarimizga albatta yetamiz, erkin va farovon yashaydigan jamiyatni albatta quramiz va bu yo'lda bizga hech kim to'siq bo'lolmaydi.

Islom KARIMOV



Ma'rifat

Kuch - bilim va tafakkurda

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan

2004-yil 1-sentabr, chorshanba

№ 71 (7680)

ОЗОД ЭЛНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бугун — юртимизда муборак айём, тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка, истиқдолга эришган кун.

Сиз, азиз юртодошларимни, сизларнинг сиймонгизда гўзал пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда бу қутлуғ айёмни нишонлаётган бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун мустақил давлатимиз, озод мамлакатимиз яна бир ёшга улғаймоқда. Биз ўз олдимизга қўйган янги ҳаёт, демократик жамият қуришдек буюк мақсадимиз сари яна бир қадам қўйдик.

Биз бугун мана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган йўлимизни, бошимиздан кечирган синов ва ўта мураккаб кунларни, хавфу хатар, қийинчилик ва машақ-

қатларни, шу билан бирга, қўлга киритган ютуқ ва марраларимизни хаёлимиздан ўтказишимиз, сарҳисоб қилишимиз табиий, албатта.

Шу давр мобайнида шаҳар-қишлоқларимиз, азим пойтахтимиз, юртимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётгани;

Шарқ, Ғарб ва Жануб сари интилган коммуникациялар, автомобиль ва темир йўллари, йирик иншоотлар, одамларимизни иш билан таъминлайдиган янги, замонавий корхоналар барпо этилгани;

тарихий-маданий, диний қадриятларимиз тиклангани, баркамол авлоднинг вояга етаётгани ва шу каби эртага тарихга қирадиган улкан дастур ва тадбирларимиз — буларнинг барчаси биз босиб ўтаётган йўлнинг, келажаги буюк давлатнинг асосий мезони ва амалий белгиси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.


Бугун иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар

Мустақиллик майдонидан репортаж

Бу кун — энг улғу ва энг азиз байрамимиз нишонланадиган кун.

Бу кун — Ўзбекистон давлат

қилган мустақилликка эришдик. Эркин ва озод тараққиёт йўлини танладик. Демократик тамойилларга, бозор иқтисо-



билан ривожланаётгани, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб

(Давоми 2-бетда)

мустақиллигининг ўн уч йиллик қутлуғ тўйи.

Бу кун — мамлакатимиз тарихи зарварақларига абадий муҳрланган унутилмас сана.

Бундан ўн уч йил аввал биз неча-неча аждодларимиз орзу

диёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуришга бел боғладик.

Тарих мезонларидан қарайдиган бўлсак, ўн уч йил дега-

(Давоми 2-бетда)

ШАҲИДЛАР ЁДИ МАНГУ

Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизнинг қадр топиши билан бирга Ватан истиқлоли йўлида шаҳид кетган қатагон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши улкан хайрли амаллардан бири бўлди. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи уларга кўрсатилган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Бугун, халқимиз истиқлол байрамини нишонлаётган кунларда бу маскан зиёратчилар билан гавжум. Бинобарин, замондошларимизнинг бугунги тинчлик ва осудаликнинг қадрига етишида, ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка интилиб яшашларида бундай табаррук қадамжоларнинг аҳамияти беқиёс.

31 август тонгида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик

мажмуи янада гавжум бўлди. Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш имконини беради. Истиқлол аталмиш буюк неъматни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатагон қурбонларини ёд этиш куну муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Бу ерда Юртбошимиз жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги ПФ-3481-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Болалар спортини ривожлантириш ва айниқса, қишлоқ жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисми деб ҳисоблансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган умумий сони 81 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимлари 61 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкилий тузилмаси, Жамғарма марказий ижро этувчи аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари тузилмаси ва штатдаги ходимлари сони;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижро этувчи директори айна бир вақтда лавозимига кўра Халқ таълими вазирининг ўринбосари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Қуйидагилар:

Жамғарманинг Ҳомийлик кенгаши ва Жамғарманинг минтақавий филиаллари Ҳомийлик кенгашлари, уларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақлаб қолинсин, болалар спортини янада ривожлантириш чора-тадбирларини давлат сиёсати даражасида амалга ошириш,

(Давоми 4-бетда)

ОЗОД ЭЛНИНГ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

бораётгани диёримизда яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуният етказиши шубҳасиз.

Бундай ютуқлар негизда авваламбор халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини шу юртнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани мужассам.

Шу борада юксак марраларга етиб боришимизнинг замирида ётган энг муҳим омилларни яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламан.

Бу — аввало жамиятимизда сувдек, ҳаводек зарур бўлган ва халқимиз кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик;

Бу — ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи галда, халқимизнинг манфаатини кўзда тутиб, изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлардир.

Бу — узоқ ва яқин кўшнилари билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамохан бўлиб яшаш ва унинг ҳаётида ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олишдек эзгу мақсадлардир.

Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай холис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасмиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз.

Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Бугун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажак авлодимизнинг ризқи ва насибасига хиёнат қилганимиз йўқ.

Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган ер ости, ер усти бойликларимизни ўзлаштиришда, улардан оқилона ва самарали фойдаланишда, давлатни идора қилиш, иқтисодиётимизни ташкил этишда биз аввало узоқ ва давомли мақсад-муддаоларимизни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтиш жоиз, деб биламан.

Биз 1997 йилда қабул қилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағлар ҳажми ҳар йили миллий бюджетимиз харажати қарийб ярмини ташкил қилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, биз кенг кўламли, улғувор бу дастурни изчиллик билан ҳаётга жорий этмоқдамиз.

Нега деганда, бу эл-юртимизнинг эртанги куни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги тарихий қадамдир.

Шу йилдан амалга ошира бошлаган, беш йилга мўлжалланган умумтаълим мактабларини ривожлантириш дастури ҳам ана шундай улкан аҳамиятга эга бўлган ишларимиз қаторига киради.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бами-соли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билаги кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва суюнчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасидир.

Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен қатъий ишонманам.

Азиз дўстлар!

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик; ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юртдошимизни доимо хушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим.

Ўзбекистонимиз — она Ватанимизга нисбатан ғаразли ният билан юрган кимсалар қулоғига кўрғошиндай қуйиб олсин. Биз кўзлаган орзу-мақсадларимизга албатта етамиз, эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни албатта қураимиз ва бу йўлда бизга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди.

Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва хушёрликни йўқотмаслигимиз, бе-парволик ва лоқайдликдан бутунлай халос бўлиб, миллат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмоғимиз керак.

Қадрли ватандошларим!

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шубҳа йўқки, мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар, шодиёна ва қувончли кунлар кўп бўлади. Лекин халқимиз, миллатимиз тарихида Ватанимиз истиқлолга эришган мана шу кун энг улғу, энг азиз байрам бўлиб қолаверади.

Мен бугун шу юксак минбарда туриб, Ўзбекистоннинг оғирини, шаъну шавкати ўз елкасида кўтариб келаётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган заҳматкаш халқимизга таъзим қиламан.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда)

ни бир зум, бир дақиқа-дек қисқа муддат. Аммо Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида янги ҳаёт пойдеворини қуриш йўлидаги мураккаб ва шарафли меҳнат билан ўтган бу даврнинг мазмун-моҳияти, шак-шубҳасиз, асрларга тенг.

Кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, «Ўзбекистонда тайёрланган» белгиси билан дунё бозорларини забт этаётган замонавий, рақобатбардош маҳсулотларимиз, истиқлолимизнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган донимиз, пахтаимиз, олтинимиз, нефть ва газимиз, бошқа кўплаб бебаҳо неъматларимиз шундан далолатдир.

Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, қишлоқ хўжалиги, саннат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, таълим, маданият, спорт каби соҳаларда узоқ мўлжалли давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар бунинг белгисидир.

Ҳаётимизнинг барча жа-бҳаларида, одамлар қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга юксак ишончи буни тўла тасдиқлайди.

Меҳр ва мурувват йилида мўтабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз, қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатларини қайта тиклаш, ривож топтириш борасида кўплаб амалий ишлар рўёбга чиқмоқда.

Йил охирида ўтказиладиган сайловлар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилганлиги билан ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тарихимизда қолажак.

Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга экани, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ҳаётбахш ислохотлари, яратувчанлик меҳнати, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқ-адамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.

Бунинг тасдиғини жаҳонро нуфузимиз ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Биргина мисол. Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор.

Айниқса, ушбу ташкилотнинг минтақавий Аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси Тошкентда иш бошлагани турли бало-қазоларга қарши


ортиқ мамлакат аҳли бе-восита томоша қилади. Интернет тармоғи орқали у жаҳоннинг энг чекка нуқталаригача кириб боради. Ҳа, бу кун Ўзбекистон мадҳияси дунё бўйлаб жангларда — тилимизнинг гўзаллигидан, мусиқий таъбимизнинг инжалигидан, ўзбекнинг саховатидан, тантилигидан, эрксевар ва некбин табиатидан бани башарни воқиф этмоқда. Қаршимиздаги нури паннода Ўзбекистон Давлат байроғи мавжланади. Хумо —

элу юртимиз бошига кўнган бахт қуши қанотларини ростлаб, тинч ва мусаффо Ватан осмони узра парвозга шайланаётгандек. Саҳнанинг икки четиде «1991-2004» рақамлари нур сочади.

«Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир». Майдон узра таралаётган қўшиқнинг маъноси теран, таъсири чексиз. Уни тинглаш асосида қалбимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғулари жўр уради. Амфитеатр саҳнасининг икки ёнидаги йирик экранларда акс этган эркин лавҳалар Ватан манзаралари, мустақиллик йиллари, хусусан, сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларимиз, турли соҳалардаги хайрли юмушларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Мустақиллик байрами арафасида турли йирик ва муҳим корхоналарнинг юрт тўйига тўёна сифатида ишга туширилиши аънаанага айланган. Байрам олдидан ишга тушган етти йирик қўшма корхона наинки пойтахтимиз ёки вилоятлар марказларида, балки юртимизнинг чекка худудларида барпо этилгани, яъни замонавий ишлаб чиқариш саноатининг туманларга, қишлоқларга томон кенгайиб бораётгани эътиборга моликдир.

АҚШ, Германия, Туркия компаниялари билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятида ишга туширилган «Яккабоғтекс» қўшма корхонаси йилига 3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Хоразм вилоятидаги «Шовотекс» қўшма корхонаси бир йилда 3,36 миллион дона трикотаж маҳсулотлари, «Боғоттекстил» қўшма корхонаси йилига 4,35 минг тонна ип-калава, 1,44 минг тонна мовут, 2,7 миллион метр ип-газлама ишлаб чиқаради. Наманган вилоятининг Шаҳанд қишлоғида ишга тушган



БУЮК БАЙРАМИ

«Ас-Шохтекстил» кўшма корхонаси йилига 2,1 минг тонна калава, Сирдарё вилоятида янги иш бошлаган «Лола модел» кўшма корхонаси 6 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Шарқ модел» кўшма корхонасининг йиллик қуввати 7,2

Ахрор Валининг 600 йиллик тўйи кенг нишонланади.

Нурли паннода қадимий обидаларимиз, табаррук қадамжоларимиз, истиқлол йўлида жонини фидо этган буюк миллатдошларимиз сиймолари акс этади. Номи унутилаёзган улуг аждодларимиз тарихи фақат истиқлол шаро-

инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида юртимиз аёлларининг алоҳида ўрни ва мавқеи бор. Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарори хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантиришга қаратилган.

Даврага болалар чиқиб келадилар...

Фарзандларимизни етувчи инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгилангани ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси би-

ланиши билан қалбларимизда умид ва ишонч uyg'отди. Мустақил Ватаннинг навқирон фарзандлари, иқтидорли ёшлар — халқаро олимпиада ва халқаро мусобақалар голиблари байрам иштирокчиларига эҳтиром кўрсатадилар.

Истиқлол йилларида юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонида қўяётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоен бўлмоқда. 24 ёшида шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийиб, ўз билими ва иқтидори билан башариятни лол қолдирган, миллатимизнинг довуғини яна бир бор дунёга ёйган ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг мислсиз ғалабаси буни тўла тасдиқлаб турибди.

Бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига эътиборнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узокни кўзлаб амалга оширилаётган улкан ишларимиз мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани шубҳасиздир. Умидли ёшлар — жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган Рустам Қосимжонов, Ирода Тўлаганова, Миржалол Қосимов, Дилшод Мансуров, Мухаммадқодир Абдуллаев каби спортимиз юлдузлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Спортчилар ёш авлодни жисмонан ва маънан балоғат сари элтувчи «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» ва «Универсиада» мусобақаларининг туб мазмун-моҳиятини бадиий талқин этишга интиладилар. Яна бир неча кундан кейин Самарқандда бошланажак «Универсиада-2004» мусобақалари очилишида ёқиладиган машъалага олов кўтариб Паркент-Самарқанд оралигидаги 400 километрдан зиёд масофани босиб ўтаётган навқирон спортчиларимиз тимсоллари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Афинада ўтган Олимпиадада Ўзбекистон шарафини юксалтиришда жасорат кўрсат-

даль совриндорлари — Баҳодир Султонов ҳамда Ўткирбек Ҳайдаровни, ушбу гоёт нуфузли спорт мусобақаларида қатнашган бошқа олимпиадчиларимизни байрам аҳли олқийлайдилар.

Майдон узра ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага сафма-саф, шахдам қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Юртбошимиз қайд этганидек, биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз. Афсуски, инсоният юксак орзу-умидлар билан қадам қўйган янги — XXI асрда ҳам халқаро террорчилик балоси дунёнинг турли жойларида ўз ёвуз кийфасини бот-бот намойиш этмоқда. Ҳа, бугун нотинч ва таҳликали бир замонда яшаймиз.

Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамоҳанг ҳолда узокни кўзлаб яшашга, Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустақамлашга, унинг учун фидоийлик кўрсатишга чорламоқда.

Ёшларни ҳарбий хизматга, ҳарбий ўқув юртига кузатаётган ўзбек оилалари акс этган лавҳа тимсолида халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямиз сафларини мустақамлаш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчига айлангани тараннум этилади.

Опера ва балет санъати вакиллари, замонавий ўзбек эстрадаси намояндалари ўз чиқишларида миллатимизни, халқимизни улуғлайдилар, мустақиллигимизни, озод ва обод Ватанимизни мадҳ этадилар.

Ажиб оқшомнинг ана шундай шуқули лаҳзаларида бамилол қалбимизга сизмай гупираётган қувонч ва шодлик тугёнларидек ранго-ранг мушаклар порлайди. Кўкка оловли ҳайратлар сочган мушакларда, тизгинсиз туйғулар қалққан юракларда, севинч ёғдулари порлаган қароқлар-



миллион дона, «Сағбонтекстил» кўшма корхонасиники эса 1,8 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири - темир йўл тармоқларини кенгайтириш, коммуникация соҳасига илғор технологияларни жорий этиш борасида ҳам гоёт салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жорий йилнинг март ойида Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган йирик кўприк бунёд этилди. Ҳозир 681 метрлик ушбу кўприкдан ҳар куни ўнлаб поездлар, минглаб автомобиллар ўтиб турибди. Август ойида «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» йўналишидаги темирйўлнинг дастлабки навбати ишга туширилиши туфайли арзонлиги, хавфсизлиги ва қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга ушбу транспорт тармоғининг халқ ҳўжалигидаги ўрни янада юксалди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам ислохотлар изчил бормоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёймоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 100 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, экин майдонларининг ярмига яқини уларнинг ихтиёрида. Фермер ҳўжаликларида 713 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бундай ҳўжаликларнинг пахта етиштиришдаги улуши қарийб 40 фоизга, ғаллачиликда эса 42 фоизга етди...

Карнай-сурнай, доира садолари янграйди. Карвон қўнғирогининг майин оҳанги, чанқовуз садоси, най навоси бири бири билан ўрин алмашади. Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий ўлкамиз санъатининг турфа қирралари намоен бўлади.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш баробарида, шавкатли ота-боболаримизнинг номини ёд, руҳини шод, хотирасини обод этиш ҳам мустақиллик берган эзгу имкониятлардандир.

Жорий йилда ҳукуватимиз қарорига мувофиқ буюк сиймоларимиздан бири Хожа

фати ила тикланди, қадр топди. Ота-бобосини, ўзининг азизларини унутмаган элдан барака кўтарилмайди. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва



ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори халқимиз дилидаги гап бўлди.

Зеро, бундай масканларни обод этиш аждодлар ва авлодлар олдида ҳам қарз, ҳам фарздир...

Мумтоз кўшиқлардан шўх лапарлар, айтишувларга гал этади. Турфа оҳанглар, хилма-хил либослар, дилтортар куй-кўшиқлар тимсолида мамлакатимизнинг ранг-баранг санъати бор сеҳр-синоати, меҳр-таровати билан дилларни яйратади, кўзларни қувнатади.

Саҳнада юз-кўздан меҳр ва шукроналик балқиб турган Она намоен бўлади. У «Элим деб, юртим деб яшагин, болам», дея ўз нуридийдалари — Истиқлол фарзандларини алқайди.

Мустақиллигимизни мустақамлаш, амалга ошираётган ҳаётбахш ислохотларимиз самарадорлигини таъминлаш, миллий аънава ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши тобора ортиб бораёпти. Оилада тинчлик ва осоёишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишларини сабр-тоқат билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол

лан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг жорий этилмоқда. Дастур қамраб оладиган беш йиллик мuddат давомида мавжуд жами 9727 мактабнинг 8476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди.

Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган юмушлар, аслида, мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли хайрли ишларимизнинг таркибий қисмидир. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2004-2009 йилларда жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 300 та, капитал реконструкция қилинадиган 2 минг 313 та мактабнинг 1 минг 431 тасида спорт заллари қурилиши режалаштирилган. Бу ишларнинг барчаси — Ватан келажига эътибор, миллат истиқболига гамхўрлик, демакдир.

Қувноқ ва сергайрат ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи



ган ватандошларимиз саҳнага кўтариладилар. Икки юздан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда олтин медаль совриндори бўлган чемпионларимиз — Александр Доктурашвили ва Артур Таймазов, кумуш медаль соҳиби — Магомед Иброҳимов, бронза ме-

да бир тилак юлдуздек жилваланади:

Истиқлолинг муборак бўлсин, она халқим, жонажон Ватаним!

Фулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси
Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг Қ А Р О Р И****Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
ҳузуридаги Болалар
спортини ривожлантириш
жамғармаси фаолиятини
ташқил этиш тўғрисида**(Давоми.
Боши 1-бетда)

ушбу мақсадга эришиш учун давлат тузилмалари билан бир қаторда ҳўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш унинг асосий мақсади этиб белгилансин;

болалар спортини ривожлантириш ишида илгари Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Маҳалла» жамғармасига ва бошқа тузилмаларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақланиб қолсин.

5. Белгилансинки:

Жамғарманинг шаҳарлар ва туманлардаги минтақавий филиаллари вакиллари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади ва ўз фаолиятида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига ҳисобот беради;

болалар спорт иншоотларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш дастурлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг қабул қилинган қарорлари амалга оширилиши устидан назорат қилиш Жамғарма минтақавий филиаллари вакиллари асосий вазифаси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилишининг муҳим таркибий қисми сифатида Болалар спортини ривож-

лантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирилган ишлар дастурини ишлаб чиқсин.

Болалар спортини ривожлантириш дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ўзаро боғлиқлиги бўйича ишларни мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилиши мониторинги бошқармасининг болалар спортини ривожлантириш бўлимига юклансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағлари ҳисобига янгидан қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан тикланаётган болалар спорт объектлари фойдаланиш учун туман (шаҳар) ҳокимият ва бошқарув органлари балансига берилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобига қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган болалар спорт объектларини қабул қилиб олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади;

болалар спорт иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватларидан энг тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш, самарали фаолиятни ташқил этиш ва спорт секцияларини методик таъминлаш, уларни малакали спорт мураббийлари билан таъминлаш учун масъулият туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юкланади.

8. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар болалар спорт иншоотларини намунавий лойиҳалар қўлланилмасдан ҳамда тасдиқлан-

ган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ бўлмаган ҳолда қуриш ва реконструкция қилиш қатъиян тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

болалар спорт объектлари қуриш ва уларни реконструкция қилишга танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши ва пухта ташқил этилишини таъминласин;

болалар спорт иншоотлари қуриш ва уларни реконструкция қилиш ишларини бажаришда намунавий лойиҳалар ва тасдиқланган қурилиш қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Бунда қурилаётган ва реконструкция қилинаётган болалар спорт иншоотлари хавфсизлиги ҳамда кейинчалик улардан фойдаланиш жараёнида хавфсизлик талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

маҳаллий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига янгидан қурилаётган объектлар ва реконструкция қилинаётган болалар спорт объектлари устидан техник назорат қилиш амалиётини жорий этсин.

9. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташқил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига 3-6-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси****И.КАРИМОВ**Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 август**ШАҲИДЛАР ЁДИ МАНГУ**

Ҳар бир мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида кўпдан-кўп муҳим ҳаётий масалалар пайдо бўлади, деди давлатимиз раҳбари. Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз, қатағон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига бағишлаб

мазкур ёдгорлик мажмуасини барпо этганимиз халқимизнинг дилидаги иш бўлди. Бугунги кунларга эришимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш доимий эзгу амалларимиздан бўлмоғи лозим. Эл-юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини ҳамisha эсда тутмоғимиз даркор.

Истибод жафосини бошидан ўтказган киши мустақиллик қадрини, бу ёруғ кунлар шуқуҳини, айниқса, теран англайди.

Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз, деди Ислоҳ Каримов. Бугунгидек кутлуғ кунларда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига келиб, қатағон қурбонларини зиёрат этиш киши руҳини поклайди. Айни пайтда, шу зиёратгоҳ тимсолида инсон фалак гардиши қандай айланмасин, барибир адолатнинг қарор топиши, эзгуликнинг абадийлигига ишонч ҳосил қилади. Шу сабабли биз катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга бундай савобли ишларимизни изчил давом эттиришимиз керак.

XX аср бошида халқимиз, миллатимиз орасидан етишиб чиққан маърифатпарвар аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва маънавий жасоратини кўз олдимизга келтириб, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳақида кўп ўйлайман. Бу ҳаракатнинг кўзга кўринган намоёндалари бўлмиш Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек каби боболаримизнинг номлари, уларнинг шу замин, шу Ватан келажагини ўйлаб амалга оширган эзгу ишлари улар орзу қилган истиқлол йилларида юзга чиқди, деди Юртбошимиз.

Бу фидойи инсонлар мустамлака тузум, зулм ва зўравонлик ҳукмрон бўлган ўта оғир ва мураккаб замонда яшаб, таъқиб ва тазйиқларга қарамасдан, ўз маблағлари ҳисобидан янгича мактаблар, театр ва ку-



тубхоналар очгани, газета ва журналлар ташқил қилгани, дарслик ва китоблар нашр этгани, бир сўз билан айтганда, эл-юрт ўртасида маърифат зиёсини сочгани тарихдан яхши маълум.

Қанчалик қийин, қанчалик машаққатли бўлмасин, улар илм-маърифат билан халқни уйғотиш, унинг кўзига ҳақиқатни очиб бериш, ўзлигини англаштириш ўзлари учун муқаддас бурч деб билган, бошига оғир кунлар тушганида ҳам ўз эътиқодига содиқ қолган.

Миллий озодлик, миллий уйғониш гоёси жадидларнинг буюк, муқаддас орзуси бўлган. Шунинг учун ҳам биз уларнинг номлари ва қолдирган мероси билан фахрланамиз. Жамиятни жаҳолат ва қоқоқликдан олиб чиқиш, миллатни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, тафаккури ва салоҳиятини юксалтириш ҳақидаги қараш ва даъватларини доимо қадрлаймиз.

Мустақиллик йилларида бу улғу зотларнинг хотирасини тиклаш, ҳурматини жойига қўйиш бошида кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бугунги кунда кўплаб кўча ва мактаблар, маданият ва маърифат масканлари уларнинг номлари билан аталмоқда, илмий-ижодий мероси тикланмоқда ва кенг ўрганилмоқда.

Лекин бу борада қилишимиз зарур бўлган ишларимиз ҳам оз эмас. Шуларни инobatга олиб, қатағон қурбони бўлган боболаримизга эҳтиром сифатида мана шу зиёратгоҳда уларнинг фидойилигини, жасоратини ифодалаш мақсадида ёдгорлик ўрнатсак, унинг пойига истибод қурбонига айланган ватандошларимизнинг исм-шарифини ёзсак, ўйлайманки, уларнинг руҳини янада шод этган бўламиз, деди Президент Ислоҳ Каримов. Аждодларимизнинг мустақам иродаси, эътиқоди, мардлиги бу мажмуага ташриф буюрган зиёратчиларга, хусусан,

ёшларга сабоқ ва ибрат вазифасини ўтайдилар, уларнинг дилидан озодлик туйғуларини мустақам жой олишига хизмат қилади.

Юртбошимиз билдирган тақлиф йиғилганлар томонидан қизгин маъқуллади.

Кези келганда яна бир мулоҳазани жамо-

атчилик эътиборига ҳавола этиш ўринли бўлади. Шаҳид дейилганда Ватанини ёвдан ҳимоялаш, истибоддан чангалдан қутқариш, уни озод ва обод кўриш учун жонини фидо қилган мард ва жасур инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Тинч ва осуда замонда ўзига ва атрофидагиларга, муҳташам иншоотлар, моддий ва маънавий қадриятларга ўт қўйиб, ўзини портлатганларни шаҳид, деб бўлмайди. Одамлар қалбига кўркүк ва ваҳима солиб, бегуноҳ кишилар қонининг тўкилишига, кўплаб оилаларнинг ҳаловатини ўғирлаб, қайғуга солишга сабабчи бўладиганлар Ватан, миллат хоинларидир. Аллоҳнинг иродасига қарши бориб, ўзи ва ўзгалар умрига зомин бўлганлар ҳамisha халқ газабига маҳкумдир.

Ўзлигини англамаган, муҳим ҳаётий ҳақиқатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажаги йўқ. Шунинг учун бугунги авлод, айниқса, ёшлар оқни қорадан, яхшини ёмондан, ростни ёлғондан ажрата билмоғи лозим. Аждодлар меросидан фақат фахрланиш эмас, балки уни ривожлантириш ва янада бойитиш даркор.

Ёшларимиз қалбига бугунги ҳаёт ҳақиқатини тўла сингдиришимиз зарур. Ўзлигини, аждодлари кимлигини теран англаган ёшлар ҳар хил бузғунчи гоёлар таъсирига тушмайди. Фаразгўй кимсалар ортидан кўркўрона эргашмайди. Фикри, онгу шуури тоза бўлади, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги учун ўзининг ҳам масъулияти борлигини ҳис қилиб яшайди.

Истиқлол йилларида кўплаб эзгу, улғу ишларни амалга оширдик ва оширмоқдамиз. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу жараённинг фаол иштирокчисига айланмоғи керак, деди Ислоҳ Каримов. Фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун барчамиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

**Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗА муҳбири**

Iftixor

Ватан хурлиги, юрт озодлиги. Бу улуғ неъматларнинг қанчалар тотли эканлигини чин дилдан ҳис қилиб яшамонинг ўзи бахт. Дунё харитасида Ўзбекистондек мамлакат борлиги, уни бутун жаҳон эътироф этгани юракда ифтихор туйғусини, шу Ватанга, шу тупроққа бўлган муҳаббат туйғусини яна бир бор қалқитади.

Бугун Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллигини нишонлаёмиз. Тарихга мензганда бу жуда қисқа муддат эканлигини тан олсак-да, Ватан учун, миллат учун асрларга татиғулик йиллар бўлганлигини инкор этолмаймиз. Чиндан ҳам шу йиллар давомида Ўзбекистон тараққиётида буюк ўзгаришлар юз берди. Уларнинг барчаси миллий юксалиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларнинг ўтказилиши ва уларнинг самараларида ёрқин намоён бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ халқ маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, мамлакат халқ таълими тизимида, маданий-маърифий ҳаётида жиддий ислохотлар ўтказиш, халқнинг ўзлигини англаши, миллий кадриятлар, анъаналарнинг тикланиши ва уларнинг бардавомлигини таъминлаш ҳаётий заруратга айланрилди. Уни амалга ошириш мамлакат учун мураккаб, айни пайтда яратувчанлик руҳи билан кечди. Кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари, демократик ва бозор ислохотларининг изчил амалга оширилиши, жамиятнинг янгилиниш йўлида давом этиши, халқро алоқаларнинг ривож топиши, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида обрўси ошиши халқимизнинг ўз келажагига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Энг муҳими, мамлакатда тинчлик ва хотиржамлик қарор топди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни чуқур билимли, юксак салоҳиятли қилиб тарбиялашга алоҳида

эътибор қаратилди. Бу борада, айниқса, таълим тизимида кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ қилиниши туфайли бу соҳада жуда катта ўзгаришлар юз берди. Шунга мувофиқ республикамизнинг барча вилоятлари, туман ва шаҳарларида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий типдаги коллеж ва лицейлар қуриб ишга туширил-

сингдиришнинг гоёт муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Шунга биноан эндиликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Янги-янги спорт иншоотлари, ўйингоҳлар барпо этиляпти. Яқинда Оқсаройда

лим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш асносида мактабларнинг моддий-техник имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш, айниқса, муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида белгиланди. Унинг амалий ифодаси сифатида жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фар-

ўқитувчиларнинг ойлик маошлари кейинги икки ой ичида уч маротаба оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги «2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони билан ўқитувчиларнинг маоши ҳам 1,3 баробарга кўпайди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 июлдаги «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорига кўра бошланғич синфлар ўқитувчилари меҳнатини моддий рағбатлантириш янада кучайтирилди. Мактабларнинг бошқа тоифадаги ўқитувчилари, шунингдек, лицей ва гимназиялар, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари муаллим ва мураббийлари маошида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлди. Бундан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурида ўқитувчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва тариф ставкалари тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Унга мувофиқ иқтдорли, изланувчан, ўз ишига сadoqatli ўқитувчиларни рағбатлантириш, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссасига қараб белгиланиши кўрсатилган.

Мактаб таълимида олиб борилаётган ислохотлар ҳукуматимиз ва Президентимиз раҳнамолигида халқимизни, қолаверса, бутун мамлакат ўқитувчи ва мураббийларини масъулият билан ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга ундайди. Зеро, мустақил, хур давлатда эзгу ишларни ҳар қанча сadoqat билан, сидқидилдан бажарса арзийди. Чунки меҳнатимиз ва фаолиятимиз шу Ватан равнақига, юрт озодлигини мустаҳкамлашга, келажақ авлодни муносиб қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Назира ҚУРБОН ҚИЗИ,
«Ma'rifat» мухбири

ЮРТДА КЕЗАР БУЮК ИСТИҚЛОЛ

ди. Улар давр талабига мос техник воситалар билан жиҳозланди. Эндиликда уларда таълим олаётган фарзандларимизга чуқур ва сифатли билим беришга эътибор қаратилмоқда. Республика-миз Президентининг ташаббуси билан жорий қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлаган ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишга қаратилган уч босқичли ягона спорт тизими ишлаб чиқилди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда "Универсиада" спорт мусобақалари мамлакатимиз ёшлари орасида янги-янги номларни кашф этяпти. Фақат шугина эмас, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни

Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам бу масалага яна бир бор қайтилди. Йиғилишда спорт иншоотларини барпо этиш дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ва уларни молиялаштириш масалаларига алоҳида тўхталди. Бир сўз билан айтганда, спорт болалар учун фақат қизиқиш эмас, балки кундалик эҳтиёжга айланишига бутун эътибор қаратилмоқда.

Истиқлол йилларида, умуммиллий масала бўлмиш таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳукуматимиз ва шахсан давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Қисқа давр ичида соҳани ривожлантириш йўлида зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шароитлар яратилди. «Таъ-

мони эълон қилинди. Дастурни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқиш ва мактаблар аҳволини тубдан ўзгартириш аниқ мақсад қилиб белгиланди.

Мустақиллик шарофати билан ўқитувчи касбининг мавқеини ошириш, меҳнатини рағбатлантириш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган вазифалар амалга оширилмоқда. 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни деб эълон қилинган ҳамда унинг умуммиллий байрам сифатида ҳар йили нишонланаётганининг ўзи ҳам бу касб эгаларига бўлган эҳтиромнинг ифодасидир.

Кейинги йилларда ўқитувчилар иш ҳақининг бир неча марта оширилгани ҳам, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва вазифалари қаторида турадиган муҳим масалалардан эканлигидан далолат беради. Шу маънода фақат

Qutlug' ostona

Инсонлар эътиқодсиз яшай олмайдилар. Ҳар кимнинг эътиқод йўналиши шакллангунча эса болалик муҳити, берилаётган таълим-тарбиянинг аҳамияти катта бўлади. Шунданми, боғчалардан оқ қилиб эндигина икки-уч баҳорни қаршилаган болажонларга-да ҳар нарсадан қадрли Ватан ҳақидаги тушунчалар сингдирилади. Онага қиёсланадиган юртнинг равнақ топиши учун улғайиб хизмат қилиши кераклиги болажонларга айтилади. Бундай муҳит ҳавосини олган кичкинтойларда эса шу мақсадни англаган дақиқадан бошлабоқ тезроқ катта бўлиш, севимли боғчасидан мактаб остонасига қадам қўйиш орзуси ортади. Айниқса, уларга ака-опалари агар мактабга борса, Президент совғалари — сумка, китоб, дафтар, барча ўқув қуроллари берилишини айтишганида, болажонлар қалбидаги орзуларини учқур отта миндиргиси келади. Бундай яхши кунларга интиқ набиралар суҳбатини тинглаган бувию бувалар ёқа ушлаб, насиҳат қиладилар:

— Болажонларим, бизнинг вақтда бир парча бўздан сумка қилардик, тўртта паҳса девор ичида, лойсувоқ ерга ўтириб, ҳарф ўрганардик. Бошоқ ўримиға, хирмон йиғишгами бизни кичкина демасдан олиб боришарди. Сизларга эса юртимизда энг чиройли ва барча қулайликлари бор мактаблар қуриляпти. Ҳатто Пре-

зидентимиз сумка-китобларингизгача совға қиляптилар. Азиз болажонларим, сизлар бу тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етинг. Кўрсатилаётган эҳтиромга яраша билимингиз, заковатингиз, одобингиз билан жавоб беринг...

Муруват қалбар шундай ҳаёт мактаби қўйнида қутилган кунларга ҳам, яъни билим ўчоғи—мактабга борадиган паллага етиб келди...

Уар
**ЭЪТИҚОД
ЙЎЛИ**
ҳаяжонига эш бўлиш илинжида пойтахтимиздаги 252-боғча-мактаб мажмуасига бордик. Ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, собиқ битирувчилар ва давра марказида боғчадан мактабга йўл олаётган болалар иштирокидаги қатта байрам тадбири. Мустақиллигимизнинг 13 йиллик рамзи сифатидаги қизалоқ Ҳурлик бўлиб саҳна кўркига айланган. Ватан мадҳидаги шеър қўшиқларни болажонлар шу қадар юрак ҳаяжони билан айтишяптики, айни кезде улар боғчада ҳақиқатан ҳам диё-

римизга бўлган соф эътиқод руҳида тарбияланганига амин бўласиз. Муассаса раҳбари Лола Маҳмудовани сўзга тортдик.

— Бу йил 22 нафар бола боғчадан мактабга чиқди. Уларнинг 20 нафари ўзимизнинг мактаб синфларига қолди. 1-синфга эса 65 нафар болани тест орқали синовдан ўтказиб, қабул қилдик. Чунки мактаб таълимини ривожлантиришда эътиборни боғчадан бошлашимиз керак. Боғчада пойдевор пишиқ бўлса, 1-синфдан бошлаб пухта билим берилади.

Ўқитувчилар Покиза Ҳамидова ва Гулнора Раҳматуллаева жонкуяр тарбиячилардан тарбияланувчиларини қабул қилиб олишди. Ниҳоят, болалар кутган дам келди. Уларга Президент совғалари топширилди. Бугундан 1-синф ўқувчилари бўлган Иброҳим Қудабоев ва Феруза Савриеваларнинг ўзаро суҳбатига қулоқ тутдим:

— Иброҳим, уйга борганидан «Alifbo»нинг устига жилд қопагин.

— Буни аллақачон опамга айтиб қўйганман.

— Энди, мактабда ҳам кимўзарга ўқиймиз-а?

— Кўрасан, мен албатта, «аъло» баҳоларга ўқийман...

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Мақтаб остонасига дастлабки қадами кўйган болажонлар ҳам, ўзларида ажиб бир масъуллик ҳиссини туядилар. Аста-секин ўйинқароқликни тарк этиб, китобга, билимга ошно тутинишади. Ота-онаси, устозлари кўмагида камол топиб бораверади. Эътибор қилинган, олий даргоҳ остонасига илк бор қадам қўйган йигит-қизлар қанчалар улкан вазифа ва масъулиятни зиммаларига оладилар. Аксарияти талабалик йилларини ота-онасидан йироқда ўтказади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ўша давр мобайнида улар бир умрга татигулик билим ва кўникмаларни ҳосил қилади, тажриба ортттиради. Истиклолдан сўнг жорий қилинган тест синовлари эса, битирувчиларнинг олий ўқув юртлирига киришларида адолат мезони вазифасини ўтамоқда. Талабаликка иқтидорли, билимли, изланувчан абитуриентлар саралаб олинапти. Таъбир жоиз бўлса, талабалик бахтига эришган йигит-қизларни "Қадамнинг гуллар сочилсин" дея ардоқлагимиз келади. Чунки улар — Ватанимиз келажаги, порлоқ истиқболга ўзини тайёрлаётган ёшлардир. Мустақиллигимизнинг 13 йиллик айёми олдида қўшалок байрамларини нишонлаш арафасида турган энг билимдон талабаларнинг фикрларига қизиқдик.

БАХТНИ БИЛИМДА ДЕБ БИЛГАНЛАР

Соибжон Рустамов, Бувайда туманидаги 2-сонли ихтисослашган вилоят лицейи битирувчиси. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида 222,6 балл билан қабул қилинган:

— Шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, инсонда қизиқиш ва интилиш кучли бўлса, кўзлаган мақсадларига эришар экан. Мазкур университетга кириш орзусида кўплаб китоблар мутолаа қилдим. Инглиз тилини ўргандим, математикадан репетиторга қатнадим. Университет таълимини пухта эгаллаш келгусидаги режаларимнинг амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга. Етук мутахассис сифатида хорижий мамлакатларда ҳам фаолият юрита оладиган кадрлар бўлиб шаклланишимиз лозим. Мустақил диёримизда бу сингари режаларимизни амалга

ошириш учун имкониятлар етарли. "Излаган имкон топади", деганларидек биздан тинимсиз изланиш, меҳнатсеварлик, китобга муҳаббат талаб қилинади. Тенгдош дўстларимнинг галдаги мақсадлари ҳам амалга ошишида тилакдошман.

Сохибжон ИКРОМОВ, Когон шаҳридаги 17-сон ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатиди тахсил олган. 192,5 балл асосида Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти автоматлаштириш ва бошқарув факультети қабул қилинган:

— Тест синовларини топширганимдан сўнг натижалар чиққунига қадар ўтган 12 кун 12 йилдан ҳам зиёдрокдек туюлди. Кўнглимда аллақандай ишонч бўлса-да, имтиҳон жавобларини кўришга кучли ҳаяжон остида келдим. Дастлаб ўзимни тўлов-шартнома асосида қабул қилин-

ган талабалар орасидан қидиргандим. Аслида, давлат гранти асосида биринчилардан бўлиб қабул қилинган эканман. Қилган меҳнатларимиз, уйқусиз тунларимиз бекоорга кетмабди. Талабалик мен учун мустақиллигимизнинг янги бир тўқаси бўлди.

Нигора Мусурмонова, Пахтачи туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабини "аъло" баҳолашга тамомлаган. Тошкент давлат педагогика университети кимё ва экология факультети талабаси (188,4 балл).

— Инсон устозлари кўмагида камол топади. Бизнинг саводимизни чиқарган ҳам, ҳаёт ҳақидаги тасавурларимизни шакллантирган ҳам ўқитувчиларимиздир. Улардан миннатдорлик ҳисси мени педагогика университетида етаклади. Бу ерда биз назарий билим олиш билан биргаликда ўз касбимизнинг сир-асрорларини ҳам ўрганамиз. Баркамол авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан муаллимлар меҳнати билан боғланган. Барча устоз-мураббийларимизни мустақиллигимизнинг 13 йиллик айёми билан қўтлаб, янги ўқув йилида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз НОРҚУЛОВ
суҳбатлашди.

Bayram intervyusi

Хабарингиз бор, шу йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамаси кетма-кет иккита қарор қабул қилди. Бу Самарқанд кооператив ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига қайта ташкил этиш билан боғлиқ қарорлар бўлиб, бунга мувофиқ ҳар иккала даргоҳ янги ном билан аталди. Бунинг зарурати нимада, деган савол замирида бугунги Ўзбекистондаги изчил ислохотлар билан туташ ва ёндош мақсадлар бор. Мухбиримиз байрам арафасида ҳар иккала институт раҳбарларини ана шу муносабат билан суҳбатга тортиди.

Толибжон Худойбердиев, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори, техника фанлари доктори, профессор:

— Жаҳон фани, техникаси ва технологияси бугунги кунда жуда тез ривожланмоқда. Техник кадрлар ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисмини яратдилар ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланишини белгилайдилар. Республиканинг илмий салоҳиятини хом ашё ва инсон ресурслари билан уйғунлаштириш жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имкониятини яратади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда республиканинг жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муносиб ўрин эгаллаши зарурияти устувор вазифа ҳисобланади. Бунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурслари билан таъминлаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш биздаги табиий шароит учун энг муҳим ва ҳал қилувчи омилдир. Бундан ташқари, республикамиздаги қишлоқ хўжалиги йўналишидаги бир нечта олий ўқув юртлири нафақат қишлоқ хўжалигидаги селекция, уруғчилик, агротехника масалалари билан, балки соҳани механизациялаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиши керак бўлади. Маҳсулотларнинг 95 фоиздан кўпроги суғориладиган ерлардан олинган. Ўзбекистон шароитлари учун ҳамда экология ва ерларнинг ҳолати ёмонлашиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда илмий изланишларни ва амалий тадқиқотларни чуқурлаштириш лозим. Биринчи навбатда ирригация ва ерларни мелиорациялаш каби ихтисослашган ҳаётий муҳим йўналишлар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш зарур бўлиб турибди. Бунда қишлоқ хўжалигининг келажаги кўп жиҳатдан ушбу

муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқлиги назарда тутилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги 150-сонли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти негизда Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил

атроф-муҳит муҳофазаси; гидротехника иншоотлари қурилиши; гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш; иқтисодиёт; менежмент; ирригация тизимлари сув энергиясидан фойдаланиш; автоматлаштириш ва бошқарув; сув ресурслари ва уларни бошқариш; қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти; касбий таълим ва ҳоказо.

Янги йўналишлар учун давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари институтининг етук профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилди. Айтиш керакки, янги институтнинг ташкил топиши республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг рўёбга чиқишида ва давлатимиз иқтисодий тараққиётини ривожлантиришда муҳим қадамдир.

илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга қаратилган. Ўз фаолиятини 1931 йилда бошлаган ушбу институт ўтган йиллар давомида 46 мингдан зиёд юқори малакали иқтисодчилар, бухгалтерлар, тафтишчилар, молиячилар, банк ходимлари, товаршунослар, умумий овқатланиш технологларини тайёрлаб берди. Унинг турли йиллардаги битирувчилари давлат бошқарув органларида, вазирликларда, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Институт фаолияти мустақиллик шарофати туфайли янада ривожланиб, замонавий олий ўқув юртига айланган. Унда 3 та факультет — иқтисодиёт ва менежмент, банк-молия хизмати, сервис ва туризм мавжуд, мутахассислар-

Oliy ta'lim

си институт илмий салоҳияти ва нуфузини эътиборга олиб, 08.00.04-"Микроиқтисодиёт", 08.00.05-"Менежмент" мутахассисликлари бўйича диссертациялар ҳимояси ихтисослашган кенгашига рухсат берди.

Юқори моддий-техника базаси ва нуфузли илмий-педагогик салоҳиятга эга бўлган институтимиз эндиликда миллий ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, юқори малакали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрламоқда. Ушбу масъул вазифа 118 нафар профессор-ўқитувчилар, шулардан 16 нафари фан докторлари, 72 нафари фан номзодлари (илмий даражалик кўрсаткичи республика олий ўқув юртлири орасида анча юқори бўлиб, 70,3 фоизни ташкил этади) томонидан амалга оширилмоқда. Жамоада иқтисодий таҳлил, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг, молия, кредит соҳаларида нуфузли мактаблар яратилган. Олимларимиз томонидан замон талабларига мос дарсликлар, ўқув қўлланмалари доимий равишда тайёрланиб борилмоқда. Иқтидорли талабалар фанлар бўйича республика олимпиадаларида ҳар йили юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. 2003 йилда "Иқтисодий тадқиқотлар маркази" наشري бўлган "Экономическое обозрение" журналининг республика олий ўқув юртлири рейтингини аниқлаш натижалари бўйича учинчи ўринни эгаллади. Институт мақомининг ўзгариши қабул пайтида ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Ўтган йиллари институт бўйича белгиланган бир ўринга 4-4,2 киши даъвогарлик қилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 6 кишидан ортди. Бу ўз навбатида номзодлар таркибидан иқтидорлиларнинг сараланишига имкон берди. Институт раҳбарияти ва жамоаси факультетлар, кафедраларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириб, профессор-ўқитувчилар таркибини ёшартириш, янги таълим йўналиши бўйича ўқув-услубий манбаларни тайёрлаш, сервис, туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларни кучайтиришни ўзининг галдаги вазифаси, деб билади.

Суҳбатдош
Хулқар ТҲИМАНОВА

ЯНГИ ШАРОИТДА НОМ БИЛАН

этиш тўғрисидаги қарори аниқ муддао бўлди. Янги институтнинг фаолияти республикамиз учун долзарб бўлган устувор масалалар — сув ресурслари сифатини яхшилаш, улардан фойдаланишни мақбуллаштириш ва уларни тежашга, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерларни суғоришнинг илғор услубларини ишлаб чиқишга ва кенг қўлланишга, гидротехника иншоотларининг ишончилигини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, илмий изланишлар ва амалий тадқиқотлар олиб боришга қаратилган.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда институти-мизда 2004—2005 ўқув йилидан бошлаб бир қанча янги йўналишлар очилди ва уларга режа асосида талабалар қабул қилинди: сув хўжалиги ва мелиорация; сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш; сув хўжалигида техникалардан фойдаланиш; ер туриши ва кадастри, экология ва

Ҳасан МУСАЕВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий ишлар прокатори:

— Юртимизда таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган кадрлар сиёсати белгиланган, малакали кадрлар тайёрлашда ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, узлуксиз таълим бўйича давлат стандартлари шулар жумласидандир. Бугунги кунда олий ўқув юртлири замон талабларига мослаштирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартда қабул қилган 144-сонли қарорига асосан, Самарқанд кооператив институти ўрнига Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил этилди. Бунинг сабаблари қабул қилинган қарорда атрофлича изоҳланган. Қарорнинг мазмуну иқтисодиёт ва хизмат соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлаш,

ни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, 14 та кафедра, 64 та ўқув аудиториялари, 6 та компьютер синфлари, 40 га яқин ўқув ва илмий лабораториялар мавжуд. Лицей-интернат, лицей ва бизнес мактаби фаолият кўрсатмоқда. Унинг таълим йўналишлари кўпайди. Бакалаврлар(иқтисодиёт, менежмент, маркетинг, бизнес, молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк иши, туризм менежменти, туризм маркетинги, касб таълими, туризм операторлиги хизматини ташкил этиш, сервис, товаршунослик ва товарларнинг тижорат экспертизаси), 8 та мутахассислик бўйича магистрлар (иқтисодиёт, менежмент, маркетинг, молия, пул муомаласи ва кредит, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит, товаршунослик ва товарларнинг тижорат экспертизаси) тайёрланади. 5 та ихтисослик бўйича аспирантура мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссия-

ЯНГИЛИК МАСЪУЛИЯТДИР

БЕРУНИЙНИНГ ОРЗУСИ — БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

Глобус таълим жараёнида ўқувчиларда ер ҳақидаги аниқ тасаввурни шакллантириш учун фойдаланиладиган зарур ўқув кўргазмалари куролдир. Маълум бўлишича, мамлакатимизда глобус сўнгги бор йигирма беш йил олдин келтирилган, у ҳам бўлса бугунги кун нуктаи назаридан маънан эскирган ҳисобланади. Демак, ушбу кўргазмалар куролга бўлган мактаблар эҳтиёжи ўтган йиллар мобайнида қондирилмай келмоқда. Бу эҳтиёжни маҳаллий имкониятлардан фойдаланиб қондиртиш учун Тошкент картография фабрикаси, янги тузилган хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кооперативлар кўп бора уришилган. Лекин турли сабабларга кўра, масала ўз ечимини топмаган. Чунки бунинг асосий иккита сабаби бор эди. Яъни биринчиси — технология, иккинчиси — иқтисодий технология сабаби — глобус ишлаб чиқаришда асосан қўл меҳнатидан фойдаланишдир. Текис карта бир неча бўлақларга кесилиб, шу текис қоғозларни 1 мм. аниқликда бир-бирига тўғрилаб, думалоқ шарга биронта гижимсиз елимлаб чиқиш ва ана шу мураккаб жараённи кўп ва тез суръатда бажариш талаб қилинади. Бунда ҳар бир сигментдаги (карта бўлаги) 12 та меридиан чизиқларини икки ёнидаги сигментлардаги меридианларга тўғри тўғри жойлаштириш даркор.

Маълумки, харита билан боғлиқ ҳар қандай иш жуда катта масъулият талаб қилади. Чунки, масалан, масштаб — 1:50.000.000 бўлса, ҳар сантиметрда 500 км., демак 1 миллиметр 50 км.ни ташкил қилади. Шундан маълум бўладики, ҳар бир миллиметр хато биронта катта шахар ёки кичикроқ мамлакат ҳудуди ҳақида нотўғри маълумот беришга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли бу ишга махсус тайёргарликдан ўтган, сабрли, нигоҳи ўткир кишилар жалб қилинади.

Иккинчи иқтисодий муаммо — маълумки, махсулотнинг тиражи қанча кўп бўлса, таннари шунча арзонлашади. Глобуслар учун 100.000 тираж бошқа давлатларда меъёрий адад ҳисобланади ва ўз-ўзини иқтисодий жиҳатдан оқлайди. Ваҳоланки, бизда ҳам шунча глобусга эҳтиёж бор, аммо бу ададнинг ҳаммасига маблағ ажратадиган ягона идора йўқ. Шу боис кичик тиражда ишлаб чиқарилган махсулот, табиийки, қиммат бўлади. Шу сабабли ҳам баъзи ишлаб чиқарувчилар бу ишга қўл уришга ботинишмаган. Чунки қилинган катта харажат қачон ўзини-ўзи оқлаши ва даромад келтириши аниқ эмасди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан ҳозирги кунда бизга глобус олиб келиш 15 АҚШ долларидан 20 долларгача харажатни талаб қилмоқда. Бунинг устига бу глобусларнинг ҳаммаси рус тилида. Бизда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқарилаётган глобуслар адади камлиги сабабли бироз қимматроқ — 13 минг сўмдан 15 минг сўмгача бўлапти. Агар бар-

ча глобусга эҳтиёжи бор таълим муассасалари — Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тасарруфидаги ташкилотлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, буюртма беришса, яъни биз бир йил давомида шунча глобус сотиб оламиз, деб аниқ рақамни айтишса, биз ҳам ўз махсулотимиз нархини арзонлаштириш устида ишлаган бўлар эдик.

Маълумот учун айтиш жоизки, айна пайтгача Тошкент вилоятидаги деярли барча умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хуна колледжлари янги глобуслар (жами 1000 та) билан тўлиқ таъминланди.

Глобуслар турли масштабларда ишлаб чиқарилади. Улардан ўқув жараёнида — 1:50.000.000 ва 1:30.000.000 масштабдаги сиёсий ҳамда табиий глобуслар кўпроқ фойдаланилади. Шунингдек, қўёш атрофида ер айланишини яққол курсатиб берувчи — теллурий деган асбоб ҳам ўқув жараёнида жуда яхши кўргазмалар курол ҳисобланади.

Бир йил олдин глобус ишлаб чиқариш мақсадида иш бошлаганимизда мушкул вазифани бошлаб қўямиз, деб ўйлаган эдик. Чунки бу ҳақиқатан қийин, мураккаб ва ўта масъулиятли вазифа эди. Бироқ ҳар ойда битта-иккитадан муаммолар ечила бошлади. Ҳафтала, ойлар ўтган сари муаммолар камайиб, ютуқлар ортган сари ғайратимиз ҳам оша борди. Шу тариқа бугунги кунда энг катта ва муҳим масалалар ўз ечимини топди. Лекин ҳали баъзи камчиликлар мавжуд. Ҳар доим ҳам юқорида айтилган 1 миллиметрлик аниқликда мушкул фоида натижага эришиш мушкул. Чунки одам машина эмас, тирик организм. Ишлаётган пайтдаги ҳолати, кайфияти ва бошқалар унинг диққатига таъсир қиладиган ҳолатлар иш сифатига ўз таъсирини ўтказ-

май қолмайди. Шунинг учун ҳам бу махсулотни ҳамма ҳам кўп ададда ишлаб чиқаришга ботина олмаган эди. Биз ҳозирги кунда янги ишларимизга иш вақтида маълум вақт оралиғида дам бериб, мусика, денгиз товуши, сокинлик каби асабни тинчлатириб, диққатни хоҳлаган жойини кўриш мумкин.

Компассиз ўрмонга кириб бўладими? Ёки харитасиз география, тарих, астрономия дарсларини мазмунли ўтиш мумкинми? Йўқ, албатта. Шу боис глобусни ҳам ўқувчилар билимини оширишда энг зарур кўргазмалар курол, демак янгилимаймиз. Бироқ шу кунга қадар мамлакатимиз таълим муассасаларида глобусдан фойдаланиш муаммо бўлиб келар, сабаби — бу ўқув кўргазмалари курол юртимизда ишлаб чиқарилмасди. Энди бу масала ҳам ўз ечимини топди: мамлакатимизда глобус ишлаб чиқарила бошланди. Бу ишга хусусий тadbиркор Дилмурод Исроилов ва бир гуруҳ олимлар ҳамкорликда қўл уришди. Қуйида глобус яратишда ҳамкорлик қилишган хусусий тadbиркор Дилмурод Исроилов, олимлар — Турғунбой Мирзаалиев ва Муҳаббат Тиллабоевнинг глобус ва унинг аҳамияти ҳамда ишлаб чиқариш жараёни тўғрисидаги фикрлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Уларнинг мулоҳазалари қуйидаги саволлар доирасида билдирилган: Глобус ишлаб чиқариш — Ўзбекистонда янги ҳодисадир. Бу гоё қачон туғилди ва ишлаб чиқаришга қанча вақт сарфланди? Шу вақтга қадар юртимизда глобус ишлаб чиқариш учун нима тўскинлик қиларди. Ахир, бир қарашда у фақат қоғозу пластмассадан иборатдек туюлади. Ёки бошқа мушкуллик жикатлари ҳам борми? Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан фақат Россия, Грузия ва Украинада глобус ишлаб чиқарила эди. Айтинг-чи, уни юртимизга олиб келиш учун қанча маблағ сарфланарди ва бугун диёримизда ишлаб чиқарилаётган глобуснинг таълим муассасаларига қанча боришига қанча маблағ кетади? Тўғриси, глобуснинг нархи қанча туради?

География ўқитувчиси глобус ёрдамида Ернинг шар шаклда эканлигини, унинг ўз ўқи атрофида айланиши асосида тун ва кун, яъни сутка ҳосил бўлишини, қўёш атрофида айланиб, фаслларнинг пайдо бўлишини, унинг ёрдамида Ер шарининг хоҳлаган жойини кўриш мумкинлигини ўқувчиларга тушунтиради. Глобусдан фақат география фанини эмас, астрономияни ўрганишда ҳам фойдаланилади. Ундан фойдаланиб, Ер юзасидаги исталган жойимизнинг ўрнини, яъни географик координатларини аниқлаш мумкин. Ундан космонавтлар ҳам ўзларининг фазодаги ҳаракатларини кузатиб борадилар.

Tafsilot

Шу вақтгача мактабларимизда собиқ иттифок даврида ишлаб чиқарилган рус тилида ёзилган глобуслардан фойдаланиб келинар эди. Мустақилликка эришилгандан сўнг республикамизга глобус умуман келтирилмай қўйилган ва натижада мактабларимизда география фани глобуссиз ўргатиш даражасига келиб қолган эди. Шу боис Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети география факультети картография кафедраси ва географлари ҳамда Республика таълим марказининг география ўқув методик кенгаши билан ишбилармон, хусусий тadbиркор Дилмурод Исроилов ҳамкорлигида жуда катта савий-ҳара-

кат эвазига мамлакатимизда биринчи бор ўзбек тилида 1:50000000 масштабда глобус яратилди.

Маълумки, географик глобуслар масштаблари, мазмуни ва ишлатилиши бўйича бир-бирларидан фарқ қилади. Ўқув глобуслари қуйидаги 1:30000000, 1:50000000, 1:40000000, 1:83000000 масштабларда ишлаб чиқарилади. Уларни бир-бирига таққослаш учун сонли масштабларига мурожаат қилсак, 1:50000000 масштабда глобусда 1 см.ли масофа ер юзасида 500 км.га тўғри келади, яъни бу масштабда Ер юзаси 50 млн. маротаба кичрайтирилиб тасвирланганини кўрсатади. Лекин бошқа мақсадлар учун буларга нисбатан йирикроқ масштабларда глобуслар ҳам яратилган. Масалан, ЎЗМУнинг география факультетида 1:70000000 масштабда профессор Ҳамидулла Ҳасанов раҳбарлигида Ер юзасининг рельефи тасвирланган Марказий Осиёда ягона, космодан олинган суратлардан фойдаланиб яратилган глобус мавжуд.

Мазмуни бўйича — дунёнинг сиёсий-маъмурий глобуси, табиий географик глобуси, юдузлар осмони глобуси ва қора рангли глобуслар мавжуд. Сўнгги вақтларда махсус мавзуларни акс эттирувчи глобуслар ҳам яратилмоқда. Масалан, Ер юзасининг геологияси, иқлими, тупроғи, ўсимлиги, ҳайвонот дунёси ва ландшафтни тасвирловчи глобуслар бўлиб, фойдаланиши бўйича махсус мосламага ўрнатилган глобуслар горизонтал текисликка нисбатан 66° 33' қиялик билан ўрнатилади. Лекин бундай қияликда ўрнатилган глобусни тўғри ориентирланган деб бўлмайди. Тўғри ориентирлаш учун қўшимча ишларни бажариш керак бўлади.

Махсус астрономик глобуслар ҳам яратилган бўлиб, улар махсус мосламага ўрнатилади, исталган томонга ҳаракатланади. Сўнгги пайтларда глобуслар пластмасса махсулотларидан ишланиб, анча бежирим ва энгилроқ бўлиб, ўқувчиларни ўзига жалб қилиш даражаси ошмоқда. Глобус — Ер шарининг кичрайтирилган модели ҳисобланади. Ундаги ҳамма тафсилотлар католиксиз кичрайтирилиб тасвирланади.

Глобус билан Ер юзасини бир бутун қилиб ўрганишда, яъни унинг шар шаклда эканлигини, ўз ўқи атрофида айланиб, кечаю кундузни ҳосил қилишини, меридиан ва параллеллар ер юзида қандай бўлса, глобусда ҳам шундай тасвирланиб,

географик кенглик ва географик узонликни, яъни нуқталарнинг географик координатларини, Шарқий ва Ғарбий ярим шарлар ҳамда Шимолий ва Жанубий ярим шарларга ҳам бўлиб кўрсатишда аҳамияти катта. Лекин глобусни хоҳлаган масштабда катталаштириш имконияти йўқ. Шунинг учун Ер юзасини қисмларга, яъни қитъалар, океанлар, мамлакатларга бўлиб ўрганишда албатта харитага мурожаат қилинади.

Глобусда ўқувчилар учун зарур бўлган баъзи бир маълумотларни ҳам бериш мумкин. Масалан, бош меридиан чизиги бўйича экватордан тропик чизигигача бўлган масофа 2393,2 км. эканлиги ва қутб доирасигача 7385,5 км. бўлгани ёзиб қўйилса, ўқувчи тезлик билан улар орасидаги масофалар фарқини пайқа олади. Шу билан бирга Шимолий ва Жанубий тропик чизиқларидан шимолда ва жанубда Қуёш зенитда бўлмаглигини, қутб чизиқларидан шимол ва жанубда ёзда қуёш ботмаслигини, қишда эса қуёш чиқмаслигини глобусда тушунтириш анча осон.

Янги глобусдаги 180° ли меридианда ҳар бир параллелнинг узунлиги км.да ёзиб қўйилса ва экваторда ҳам 5° ли узонлик ёзиб, унга соат (вақт) қиймати берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. (Бунда 15° 1 соатга, 5° эса 20' га тенг эканлиги кўриниб туради). Шу билан бирга биз истар эдикки, республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг географик координатлари (кенглиги ва узонлиги) узунлик ўлчамида км.да ҳам берилса, ёмон бўлмас эди.

Глобуснинг таглигида (подставкасида) жуда кўп бўш жойлар мавжуд бўлиб, Ер шари ва қитъа ҳамда океанларга тегишли баъзи манбалар рақам билан берилса, глобусдан олинган маълумотлар кўпайиб, унинг мазмунини янада кенгайтириши мумкин.

Республикамизда яратилган дастлабки глобуснинг баъзи жузъий камчиликлари бор бўлса-да, у мамлакатимиз ўқувчилари учун янги ўқув йилига ўзига хос совға деб биламиз.

Турғунбой МИРЗАЛИЕВ,
ЎЗМУ география факультети картография кафедраси муdiri, география фани доктори, профессор
Муҳаббат ТИЛЛАБОВА,
РТМ табиий билимлар методик бўлими бошлиғи

**ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!**

XI аср бошида Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Мақамаси қoшшдаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган лотин имлосидаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

**ГЛОБУС
ТАГЛИГИДАН**

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

**Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тadbиркор "Исроилов Дилмурод Зокирович"**

МУСТАҚИЛЛИК — БУНЁДКОРЛИК



Паркент туманида атрофи анвоий гуллар билан бурканган замонавий мактаб қад ростлади. Ушбу 45-мактаб янги ўқув йили бошланишини интизорлик билан кутмоқда.

ОЛИС ҚИШЛОҚДА...

Бешариқ ўзининг истеъдодли, илму маданиятли фарзандларининг кўплиги билан вилоят туманлари ичида ажралиб туради. Бу юрда эл таниган ёзувчилар, олиму санъаткорлар, раҳбарлар етишиб чиққанлиги Бешариқда фарзандлар тарбиясига айрича эътибор қаратилиб келинишидан далолатдир. Республикамининг Тожикистон билан чегарадош бу туманида бўлиб, бешариқлик бирон-бир зиёли инсон билан гапласангиз, биз юқориде айтган фикрни дарҳол тасдиқлайди. Бугун ҳам ана шу анъана давом этаётти. Биргина олис гўша — Узун қишлоғида 360 ўринга мўлжалланган энг замонавий талаблар асосида қурилиб, мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида болаларга тўхфа қилинган мактаб биноси, ўз бағрига 2 мингга яқин кишини сиғдирувчи спорт мажмуасининг қуриб, фойдаланишига топширилганлиги бунинг исботида. Қишлоққа ўзгача кўйфа бахш этиб турган янги мактаб бино-

сида 19 та синф хонаси мавжуд бўлиб, ўқув хоналари энг замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Бинода турли спорт иншоотлари, мусобақалар ўтказишга мўлжалланган қишлоқ спорт зали, болалар учун ечиниши, ювенил ва дам олиш хоналари, шунингдек, ҳамширалар учун ҳам махсус хоналар мавжуд.

Бугунги кунда мактабда қишлоқнинг 1350 нафар болалари таълим олмақда. 128 нафар ўқувчи ўқувчиларга фан асосларини ўргатмоқдалар.

— Янги мактаб биноси ва спорт мажмуасининг қурилиши қишлоғимиз болалари ҳаётида катта воқеа бўлди, — дейди мактаб директори Қосимжон Узоқов. — Устозлар ҳам, ўқувчилар ҳам бундан руҳланиб, ўтган ўқув йилини аъло даражада тамомладилар. Оқибатда мактабимиз тумандаги мактаблар ичида барча кўрсаткичлар бўйича энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўрин соҳиби бўлди. Шунинг

алоҳида таъкидламоқчиманки, янги мактаб қурилишига 265 млн. сўм давлат маблағи сарфланди.

Шунингдек, 6 ойда қуриб битказилган мухташам спорт мажмуасида мактабнинг 392 нафар ўқувчиси, қишлоқдаги ва атроф қишлоқлардан келувчи мингдан зиёд ёшлар спортнинг 7 та тури бўйича мунтазам шугулланмоқдалар. 15 нафар мураббий футбол, волейбол, баскетбол, каратэ, миллий кураш каби спорт турлари бўйича болаларга сабоқ бермоқдалар. Қурилиш ишларини "Қўқонагроқурилиш" акционерлик жамиятининг 90-ҳўжалик ҳисобидаги корхонаси қурувчилари амалга оширдилар. Спорт мажмуаси учун 165,5 млн. сўм маблағ сарфланди. Энди Бешариқда ҳеч иккиланмай катта-катта туририв ва мусобақаларни ўтказиш имкониятлари яратилди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
"Ma'rifat" нинг махсус муҳбири

75 ТА БЎЛДИ

Мустақиллик байрами арафасида Тўйтепа шаҳрида 900 ўринли ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунара коллежи фойдаланишига топширилди. Унда ёшлар компьютер ва офис жиҳозлари ўрнатилган ҳамда таъмирлаш, компьютерларни дастурлаш, бухгалтерия ҳисоби, молия, банк иши, халқаро бизнес йўналишлари бўйича тахсил оладилар.

Компьютер ва лингафон синфлари, спорт зали, спорт майдончаси, ошхона, юз ўринли ётоқхона ва кутубхона талабалар ихтиёрида. Коллежга ҳужжат топширган 1200 нафар абитуриентдан 450 нафари янги таълим муассасасида билим олиш имконига эга бўлди.

Паркентдаги агроасаноат, Чирчиқдаги олимпия захиралари, Қўбрайдаги молия-иқтисодиёт ҳамда маҳаллий хизмат йўналишидаги касб-хунара коллежлари ҳам янги ўқув йилида илк бор талабаларни ўз бағрига олади.

Жорий йилда вилоятда саккизта ана шундай замонавий ўқув масканни бунёд этилди. Шу билан академик лицей ва касб-хунара коллежлари сон 75 тага етди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз шуқуҳи давом этаётган мана шу тароватли кунларда буюк орзуларимиз рўёби ҳақида бот-бот такрорлашмиз. Зеро, айнан Мустақиллик сабаб халқимиз ўзининг азалий орзуларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятга эга бўлди. Кундалик ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, буюк Истиқлол шарофати на мамлакатимизда таълим тизимига бўлган юксак эътиборнинг ҳам кундан-кунга кучайиб бораётганини бугун ҳар қадамда кўрсатиб бўлади.

Шу ўринда бир гап. Маълумки, таълимга эътибор дейилганда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ўқув режаси ва дастури, дарсликлар қаторида мактаб бинолари ҳам тушунилади. Шу боис-

рамҳўрликдан баҳраманд ва бахтиёр бўлганига мен ишонаман.

Қани энди шундай олийжаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттаган шунга ўхшаш мактаб курси...».

Эътироф этиш керакки, бугун бундай мактаблар ҳар бир туманда биттадан эмас, кўплаб қурилмақда.

Айниқса, бу йил Президентимизнинг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисидаги» Фармони ва унинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2004—2009 йилларда Мактаб

таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилингандан сўнг мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ишлар бошланиб кетди. Хусусан, ушбу Давлат дастурига асосан, беш йил давомида мамлакатимизда мавжуд жами 9 минг 727 мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий тамирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2 минг 69 таси жорий таъмирланса, 3 минг 769 таси капитал таъмирланади, 2 минг 313 та эса капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгидан қурилади. Ушбу Дастурга мувофиқ, 2004 йилда республика бўйича 26 та мактаб бивоси янгидан қурилиб, 8 та мактабни реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, аynи пайтда бу борадаги ишлар босқич-босқич бажарилаяпти.

Бугун мамлакатимизда буюк Истиқлолнинг 13 йиллик тўйини муносиб равишда кутиб олиш мақсадида кўплаб қурилиш иморатлари, уй-жой ва ўқув бинолари, қўшма корхоналар, кенг ва раван йўللари узоқни яқин қилувчи замонавий кўприклар фойдаланишига топширилмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, эртанги кунимиз, ёрқин келажакимиз учундир. Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган бу улкан ишлар Мустақиллигимизнинг қон-қўнига сингиб кетган Бунёдкорлик руҳини жўштириб юборганлигидан далолатдир.



Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган фотоларда юртимиз жамолига кўрк кўшиб турган иншоотлар акс этган.

дан ҳам Мустақилликнинг илк давридан бошлаб Президентимизнинг даъватлари билан янги мактаблар қурилиши йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бунга бир мисол келтирсак. Бундан ўн йилча олдин Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида қуриб битказилган 24-мактабнинг янги бивоси тўғрисида гапирар экан, муҳтарам Юртбошимиз шундай деган эди: «...Бир қарашда, бу мамлакат миқёсига, Тошкент шаҳри миқёсига унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. Лекин, бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу



ҚУВАСОЙДА ИСТИҚЛОЛ КОШОНАСИ

Шу кунларда қувасойликлар Полмон қишлоғида дилларни ром этувчи ўқув масканни — янги 504 ўринли мактаб бивосини бунёд этиб, болажонларга тўхфа етдилар. Қишлоққа кўрк бўлган бу масканга илк марта 1996 йилда асос солинганди. Лекин айрим сабабларга кўра, қурилиш ишлари тўхтаб қолди.

— Олам қулган баҳор фасли эди ўшанда, — деб эслади фахрий педагог Қўшқобой Аримқулов. — Фидойи инсон (Оллоҳ уни раҳмат қилсин), Акбарали ота Азизов ўша пайтдаги шаҳар ҳокими Аскаралли Раҳмоналиев билан биргаликда янги мактаб пойдевориغا биринчи гиштни қўйиб берган эди. Ота ўшанда "Биз бунда шундай кўркли мактаб қурайликки, кўрганлар яна бир келиб кўришни, бу ерда ўқиганлар эса уни йиллаб орзиқиб соғинсинлар" деган эди.

Орадан саккиз йил ўтиб, қилинган орзулар тўла рўёбга чиқди. Водийнинг жанубий этагида энг замонавий, энг кўркли, барча қулайликларга эга боланг, бағрига 500 га яқин ўқувчини оладиган мактаб биноси бугун салобат

тўқиб турибди. Фарғона вилоятидаги 82-қурилиш корхонасининг бунёдкор ишчилари томонидан қурилиш ишлари амалга оширилди. Бино қурилиши учун 448 млн. сўм маблағ сарф қилинди. 29 та синф хонаси, ошхона, спорт зали, ечиниши, ювенил хоналари, ҳамшира учун мўлжалланган хоналар, энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган янги мактаб биноси бугун ўз ўқувчиларини муштоқлик билан кутмоқда.

— Биз, қувасойликларнинг кўп йиллик орзумиз ушалди, — дейди тажрибали педагог, мактаб раҳбари Маҳлубахон Мамажонова. — Мустақилликнинг 13 йиллигини нишонлаётган йилда тўхфа қилинган янги мактабимиздан янчалар фахрланаямиз. Бундай шинам ва ҳар жиҳатдан қулай биного мўз гўзал хулқли, чўқур билимли болаларни вояга етказасак, Ватан ва халқ олдидаги ўз бурчимизни оқлаган бўламиз.

Ҳа, Полмон қишлоғи болалари янги ўқув йилини гўзал ва шинам замонавий синф хоналарида бошлайдилар.

Б. ШОКИРОВ



Қувасойлик ўқитувчию ўқувчиларга тўхфа этилган икки қаватли 10-мактаб янги ўқув йилида ўқувчи-ёшларни ўз бағрига чорлайди.

ҚУВОНЧАИ ВОҚЕА

Май ойининг сўнгги кунлари эди. Нонушадан кейин ҳовлисидаги мевали дарахлар орасида юрган Маҳмуджон отанинг хаёлини кўчадан эшитилган юк автомашинасининг овози бузди. «Саҳар мардонда бу кимникига келди экан?» деб ўйлади ота дарвоза томон юраркан. Кўчага чиқиб, не кўз билан кўрсинки, машина у йўлагандек бирор кимникига эмас, балки кунни кеча чойхонада қулоғига чалингани — маҳаллада бошланаяк янги мактаб қурилиши учун гишт келтирилди. Бу ишнинг бирданга ва жадал суръатда бошланиши аввалига отани таажжублантирди. Аммо яқиндагина Президентимизнинг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилингани ҳамда қурилиш шу йилги дастурга қиритилганидан хабар топган, ҳаммасига тушуниб етди. Ушандан кейин бу ерда иш қизиб кетди. Янги мактаб қурилиши нафақат қишлоқ ёшларига, балки Маҳмуджон ота Турсунов сингари кекса отахону онахонларга байрамона кайфият бағишларди. Бу — Турақўрғон туманининг Шаҳанд қишлоғидаги 34-умумтаълим мактаби қурилиши эди.

Уни «Саховат» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этишди. Шу билан бирга туман ҳокими Ҳабибулло Ҳожиматовнинг ташаббуси билан хашар уюштирилиб, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган қишлоқ аҳли қурувчиларга кўмаклашишди. Қўшни мактаблар жамоалари ҳам хашарга етиб келишди. Туман халқ таълими бўлими, 48-ҳўжалиқлараро механизациялашган қўшма жамланма, «Равнақ» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари эса аввалдан мавжуд бўлган қўшимча бинони капитал таъмирдан чиқаришди. Натижада бугунги 300 ўринли замонавий таълим даргоҳи қад ростлади ва унда ўн та синф хонаси, компьютер, маънавий хоналари, 3800 та китоб фондига эга бўлган кутубхона, волейбол майдончаси мавжуд. Қурилишга жами 64.000.000 сўм маблағ сарфланиб, 5 та «Pentium-IV» компьютери, 10 та доска, 10 та иш столи, 150 та парта, 300 дона стул ва бошқа 21.000.000 сўмлик жиҳозлар олиб келиб, ўрнатилди.

— Биз жуда кўп, турли-туман бино ва иншоотларни қураимиз. Аммо ҳеч бири таълим муассасаси қурилиши-

дек тез фурсатда ниҳоясига етмайди. Чунки ундан буюк алломаларимизнинг издошлари этишиб чиқишини қурувчиларимиз ҳис этиб ишлашади, — дейди «Саховат» масъулияти чекланган жамият раиси Бурҳониддин Нишонов.

Қурилиш ниҳоялагач, туман халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган «Хайрия шоу»сида қишлоқнинг 38 нафар тadbirkor ва ишбilarmonлар иштирок этишди ва мактабни жиҳозлашда ёрдам беришларини билдиришди. Масалан, тadbirkor Баҳодир Ҳакимов 1.300.000 сўм, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги 200000 сўм, «Шаҳанд» улғуржи чакана савдо ҳиссадорлик жамияти 100000 сўм, «Соҳибкор» ширкат ҳўжалиги 83000 сўм, тadbirkorлар Икромхон Исахонов 70000 сўм, Незматулла Абдурахмонов 20000 сўм, Маҳмуджон ота Турсунов ойлук нафақасидан ажратиб 10000 сўм пул ҳадя этишди. «Хайрия—шоу»сидан тушган жами маблағ 2.000.000 сўмдан ошиб кетди.


Хуршид СУЛТОНОВ

ЯНГИ МАКТАБ

Навой—Учкудук—Мискин темир йўлининг ишга тушиши Қизилкум ҳудудида яшаётган аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш шароитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган қисқа вақт ичида темир йўл ёқасида кўплаб бинолар қурилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.


«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси буортмаси асосида бунёд этилган мактаб Учкудук туманидаги «Бузовбой» станциясида яшаб меҳнат қилаётган темирйўлчилар ҳамда чорвадорлар фарзандларига байрам совғаси бўлди. Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида ишга тушган 160 ўринли мактаб қурилишига компания 670 миллион сўм маблағ сарфлади.

Ёркул УМАР,
ЎЗА муҳбири



Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллик тўйи арафасида паркентликларга яна бир мухташам, замонавий ўқув даргоҳи тўхфа этилди. Барча қулайликларга эга бўлган ушбу 450 ўқувчи ўрнига эга Паркент агроасаноат касб-хунара коллежини барло этишди Паркент сув қурилиши трести бунёдкорларининг меҳнатлари катта

Рўздат ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат



Намангандаги Чуст педагогика коллежи ўқувчилар учун қувончли воқеа — улар янги ўқув йилини барча шароитларга эга янги бинода бошлашади.

МАРКАЗНИНГ АМАЛИЙ ИШЛАРИ

Республика болалар Бадий ижодиёт маркази ва унинг Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидаги бўлимлари истеъдодли болаларни излаб топиш, айниқса, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчилари, ногирон ва кам таъминланган болалар ўртасида миллий санъат ва касб-хунарга қизиқишни орттириш, ижодкор болалар ижодини кенг тарғиб қилиш, қобилиятли ўқувчи-ёшларни кашф этишда фаоллик кўрсатмоқда.

Марказ қошида ва унинг вилоятларидаги бўлимларида жами турли йўналишлардаги 27 та ижодий студиялар фаолият кўрсатаётган бўлса, 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган 400 нафарга яқин студия аъзоларининг 100 нафардан ортиги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларидир.

Мустақиллик берган имконият туфайли бу ерда ўз билим ва қобилиятларини ошираётган болалар республикамиз миқёсида ҳамда халқаро кўрик-танловларда ўз ижод намуналари билан қатнашиб келмоқдалар.

Халқаро Амир Темура хайрия жамғармаси томонидан Амир Темура стипендияси учун ўтказилган кўргазма-танловда марказнинг уч нафар аъзоси фахрли ўринларни олиб, махсус стипендия соҳиб бўлди.

— Москва шаҳридаги 999-ўрта мактабнинг 6- "а" синф ўқувчиси, ногирон Екатерина Проскудина Ўзбекистондаги болалар ижодига қизиқишини билдириб ҳамда улар билан ижодий ҳамкорлик қилиш истагида эканлигини баён қилиб мактаб юборган эди. Унга жавобан марказимиздаги болалар ижодидан 14 дан ортиқ намуналар, тасвирий ва амалий санъат асарлари Катеринага юборилди. Биз Катеринадан миннатдорчилик билдирилган хатни олдик. Шу тариқа россиялик ижодкор болалар билан марказнинг ижодкор болалари ўртасида ижодий ҳамкорликка замин яратилди, — дейди марказ раҳбари Санобар Шодиева.

Кувонарли томони шундаки, марказ элга таниқли, ўз ишининг устаси бўлган ижодкорлар, академиклар, халқ рассомлари Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Турсунали Кўзиёв, Ортиқ Файзуллаев, Акмал Нур, Ортиқали Қозоқов, Ҳикмат Жалиловлар билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.



Мана шу ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазма-

Пойтахтдаги Сергей Есенин номидаги музейда "Болалар санъати — 2000" халқаро фестивалининг миллий йўналишдаги босқичида, Ҳиндистонда ўтказилган "Шанкар

— 2002" халқаро кўргазмасида ғолиб бўлиб, олтин медал соҳибасига айланган Лейло Байкеновнинг "Эртақлар мамла-



си очилди. Бу ёш рассом кўргазмага ўзининг 100 дан ортиқ асарларини кўйди. Тарихий шахсларимиз сиймоси акс этган "Бобур Ҳиндистонда", "Увайсий", "Нодирабегим" каби суратлар кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотди, унинг истеъдодини кўплаб академиклар ҳам эътироф этди. "Сайрада", "Наврўз", "Манзара", "Тўй" асарлари ҳам ўзининг миллий колорити, урф-одатларимиз, аъналаримиз ҳақида ҳикоя қилиб, Чарос Исмоиловнинг кенг дунёқараш соҳибаси эканлигини билдириб турарди.

кат" номли шахсий кўргазмаси очилди. Унда ёш рассомнинг 50 дан ортиқ ижодий асарлари кўйилди. Кўргазмадан ўрин олган суратларда юртимизнинг чиройи, миллий аъналаримиз, қадриятларимиз ва чет эл таассуротлари моҳирона акс эттирилган. Лейло юртимизни севиб тасвирлайди. Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат, ўз келажагига ишонч унинг расмларида акс этган.

Айтиш мумкинки, 2004 йил Болалар Бадий ижодиёт маркази учун ҳар томонлама юксалиш йили бўлди. Энг аввало Марказ Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Марказ учун янги бино ажратилди. Айни кунларда бу бинода таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Марказда ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланилади. Дастлаб уларнинг қайси соҳага лаёқатлиги аниқланади. Ногирон болалар учун, уларга қийин бўлмаган йўналишларда машғулотлар ўтилади. Кулолчилик, чиннисозлик, ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир, графика йўналишларини болалар ҳам севиб, кунт билан ўрганадилар.

Уста ва шогирд аънасини ривожлантириш, ҳар бир тўғрақ аъзосини рағбатлантириш мақсадида, доимий равишда "Усто-шогирд", "Мольбертдаги рангтасвир", "Асфальтдаги тасвир" каби кўргазмалар ташкил этиб турилади.

Марказда яқин кунларда ижодий студиялар йўналишлари янада ривожлантирилади, "Компьютер графикаси" ижодий студияси ташкил этилади. Ҳар бир вилоятнинг маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, у ердаги миллий санъат турларини, этнографиясини ўрганиб чиқиб, шу асосда "Уста ва шогирд" мактабларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Жаннатмакон юртимизнинг жамики гўзалликлари, бойликлари, миллий урф-одатлари суратли лавҳаларда, жонли кўри-нишларда аксини топиб, Ўзбекистон борица, борлигича тасвирланган хонага беқасам тўну, атлас кўйлақчалар кийган болаларнинг кўлларида ўзбекистон доирасида карнай-сурнайи, жарчиларини бошлаб кирадилар:

— Эҳ-ҳе, эшитмадим деманглар, эшитганлар қолманглар...

— Бугун юртимизда улғу мустақиллигимизнинг 13 йиллиги нишонланмоқда.

— Байрамларнинг каттаси бугун, байрамларнинг сараси бугун...

Шу пайт Ўзбекистон мадҳияси янграб, болажонлар кўллари кўксига кўйганча жўровоз бўладилар. Мурғак юраклардаги гурур, ҳаяжон, ҳайрат, қувонч диллардан дилларга кўчади.

— Мустақиллик нима ўзи?

— Эрк, озодлик дегани, ўзлигинга ўзинг беқасан, ўзинг султон дегани... Болажонлар чулдираб бурро-бурро ширин талаффузлари билан савол

Bayram shukuhi

сага зориқмай ўсиб, улғайишлари учун барча имкониятларни муҳайё этишга доимо эътибор қаратади. Айни пайтда педагог ва тарбиячилардан давлат талабларига мос равишда иш олиб бориш тақозо этилади.

— Комбинат тасарруфидаги ҳар бир муассаса тарбияланувчиларининг билим ва кўникмалари, истеъдодларининг қай даражада шакллана бориши, болажонларнинг қизиқиш ва қобилиятларига муносабат вақти-вақти билан тест сновлари орқали ўрганилиб, таҳлил этиб борилади, — дейди корхонага қарашли мактабгача таълим бўлими услубшуноси Гулнора Фаниева. — Бола боғчага келиб тўйиб-тўйиб эркин ўйнаши, ўйинлар жараёнида эса ўйлашга, фикрлашга, тасаввурларини амалда ифодалашга ҳам ўргана бориши керак...

Муассасада бўлганимизда, жажжиларнинг ўзлари хоҳлаганидек шуғулланишлари учун ривожлантирувчи бурчаклар,

БЕҒУБОР КЎНГИЛДА БЕҒУБОР ҒУРУР

ташлаб, жавоб берадилар.

— Мустақиллик нима берди?

— Мустақиллик ҳурлик берди. Бизни дунё таниди. Мен шу юртга бир муносиб ботир ўғлон бўлгумдир. Фарзанд бўлиб элим учун кўрагимни кERGUMдир... Бошидаги дўппичаси ўзига бирам ярашган қозоқ йигитчасининг бу сўзлари кўнгилларига ажиб титроқ солади...

— Онажон диёримизнинг биз ифтихор этсак арзигулик рамзлари бор. Уларда ўз аксини топган ҳар бир ифодада олам-олам маъно мужассам — чулдирайди ширингина қизалоқ... Шундан сўнг болакайлар галма гал Ватанимиз тимсоллари ҳақидаги ўз тушунчаларини баён этишади. Болалар рақсу лапарлар, куй-кўшиқлар, сахна кўринишларию ўйинлар орқали ўзбекона урф-одатлар, аъналар, ўлкамизнинг тарихий обидалари, табиий бойликларидан тортиб, боғ-роғларида етиштириладиган сархил неъматларига мадҳ этади.

Бугун беғубор дилларда Ватан мадҳи болаларча самимийлик, соддалик жўшқинлик билан куйланаётир. Эндигина ҳарфни таниб, ҳижжалаб ўқишга тутинган, қўли келишиб-келишмай мойбўёқ тутган жонки, илк ёд олган шеъри Ватан меҳрига бағишланса, қаламни тутиб-тутолмай жажжи юракчасидаги юрт муҳаббатини қоғозларга туширса, албатта, унинг қалбида ватанпарварлик туйғуси теранроқ илдиз отади...

Навоий шаҳридаги Навоий тоғ-кон металлургия комбинати тасарруфидаги "Камалак" номли мактабгача таълим муассасасида икки юзу олтишдан ортиқ турли миллат болалари тарбияланмоқда. Мамлакатимиздаги гигант корхоналардан бири саналган комбинат кичкинтойларнинг ҳеч нар-

имкониятлар яратилганининг гувоҳи бўлдик. Рус қизалоғи бешикчани тебратиб алла айтади, татар йигити тандирчага "ўтин" қалайди...

— Машғулотларнинг узвий, мужассамлаштирилган тарзда олиб борилишига аҳамият бераёلمиз, — суҳбатимизга кўшилади муассаса услубшуноси Фарида Аблатова. — Тарбиячиларимиз жуда кўп ижодий изланади. Матбуот нашрларидан фойдаланади. Мен шу ўринда бизга "Мактабгача таълим" журнали яқин кўмақдош эканлигини алоҳида эътироф этмоқчиман. Агар журналда фотолавларга айниқса, асарлари эълон қилинаётган ёзувчи ва шоирларимизнинг суратлари ҳам берилишига эътибор берилса, биз учун жуда қўл келарди.

— Нафақат қутлуғ саналарни балки, ҳар бир машғулотни катта тайёргарликлар билан ўтказишга одатланганмиз, — дея қўлда ясалгани кўриниб турган турли шакллар, ўйинчоқларга ишора қилади тарбиячи Сурайёхон Сувонова. — Мен жонли ифодаларсиз машғулот ўтишдан ҳеч қониқмайман, — ана бу деҳқон бобо, бувиси, айёр тулки, бу ур тўқмоқ... Савдо шаҳобчаларидан ҳам миллий ўйинчоқларни топиш қийин. Истардикки, республикамизда миллий руҳдаги ўйинчоқлар кўпроқ тайёрланса...

... Навоийдаги мактабгача таълим муассасаларида истиқлол байрами шуқуҳи ҳали узок давом этади. Энг қувончлиси, бу шуқуҳ жажжи юракларга Ватан ифтихори, гурури, ватанпарварлик туйғуларни уруғларини қайта ва қайта сепаб ўтаверади...

Ойбуви ОЧИЛОВА



**ВАТАНИНГНИ
КЎРМОҚ
ИСТАСАНГ**

Кўёш боқар мўралаб тоғдан,
Гул ифорлар таралар боғдан,
Уларга боқ, кузат ҳар ёқдан,
Ватанингни кўрмоқ истасанг.

Қушлари-чи учар бахт тилаб,
Шамоллари елар бош силаб,
Юлдузларга қара яхшилаб,
Ватанингни кўрмоқ истасанг.

Чорбоғингдан бўйлаб кўр уни,
Қуйларини тинглаб кўр уни,
Бироз ҳис эт, англаб кўр уни,
Ватанингни кўрмоқ истасанг.

Қўлингга ол, нонига қара,
Боболарнинг шонига қара,
Дўпписи, чопонига қара,
Ватанингни кўрмоқ истасанг.

Ватан учун мисолларим жам,
Бағринга бос, онангни бир дам,
Сенда бўлсин иймон мустаҳкам,
Ватанингни кўрмоқ истасанг.

**Гулбахор ЭГАМБЕРДИЕВА,
Жиззах шаҳар Ёшлар ижодиёти
марказига қарашли "Ёш
қаламкашлар" тўғараги аъзоси**



**ЙЎЛДАДИР
КАРВОНИМИЗ**

Бу заминда бир буюк давлат қурилгайдир яна,
Бу учун не-не улуг тадбир кўрилгайдир яна.

Мен Буюкликни қиёс этгум самандарга, ки ул
Неча бор ўтда ёниб, қайта тирилгандир яна.

Мисли йўқ карвон бўлиб бормоқдамиз мақсад сари,
Учраса йўл узра ғов, четга сурилгайдир яна.

Пахтамиз бор, пилламиз бор,
тилламиз бор, минг шукр,
Халқимизга етгулик бугдой ўрилгайдир яна.

Юртимизни мухташам, мағрур иморатлар безар,
Неча бетакрор бинога ғишт терилгайдир яна.

Бандаи нафс ҳеч қачон ҳамроҳи содиқ бўлмагай,
Бир қуни ул дафъатан чапга бурилгайдир яна.

Эй, Чинозий, йўлдадир карвонимиз, манзил аниқ,
Етгали унга фақат андақ юрилгайдир яна.

**Турғун ТУРСУНБОВЕВ
Чиноз тумани**

**ОТАЛАР
ҚЎШИҒИ**

Ҳалол болам, ҳақ болам,
Дин-имони пок болам.
Ватан меҳрин кўксингга
Тумор қилиб тақ, болам.

Ҳалол болам, ҳақ болам,
Зар заминга боқ, болам.
Боғу роғлар яратиб,
Эл-улусни боқ, болам.

Ҳалол болам, ҳақ болам,
Ориф дили чоғ болам.
Зиё нурин таратиб
Эл чирогин ёқ, болам.

Ҳалол болам, ҳақ болам,
Оқ пахтадай оқ болам.
Чанқанни чўллатмай
Дарё бўлиб оқ, болам.

Ҳалол болам, ҳақ болам,
Дин-имони пок болам.
Озод Ватан, халқингга
Ҳумо бўлиб боқ, болам.

Ҳалол болам, ҳақ болам,
Кўнгли, кўзи тўқ болам.
Икки нафсин тийганга,
Бало-қазо йўқ, болам!

**Фахриддин ЭРНАЗАРОВ,
Нурота туманидаги
20-мактабнинг фахрий
ўқитувчиси**



ВАТАН

Ватан — азал айтган сўзим,
Ватан — газал, мафтун ўзим,
Ватан — маҳзун қора кўзим,
Бир гардингман, кучоғингга
Ўйнаб кулиб юрганингман.

Шамолингга бошин эккан,
Жамолингга суқи теккан,
Сени дея жонин тиккан,
Ўтинингман, ўчоғингга
Олов бўлиб турганингман.

Гоҳ тирилиб, гоҳо ўлиб,
Жалолдиндин ботир бўлиб,
Меҳринг дилда балқиб тўлиб,
От бошини шиддат билан
Дарёларга бурганингман.

Ёт элларда ёниб турган,
Соғинчнинг қониб юрган,
Тугёнингга тўшин урган,
Остонагга адоғингга
Фарзанд бўлиб юрганингман.

**Алишер ОБИДОВ,
Шофиркон туманидаги
45-мактаб ўқитувчиси**

БАҒИШЛОВ

Ватан, сенинг таърифингга бор сўзларни чақирдим:
"Жон" каломин, "қон" каломин ташрифиди ҳаққирдим,
"Ота" сўзин, "она" сўзин қуллуғига минг турдим,
Лек барчаси тавсифингга камлик қилар, Ватаним!

Қумларингга ҳар бир бархан бархан эмас, Широқдир,
Бир лашқарга қирон солган ҳар йигитинг чақмоқдир,
Тумариснинг меҳри сенга қайнаб турган булоқдир,
Жалолдиндин қаҳр қилса, тоғлар қулар, Ватаним!

Қонхўр ёвнинг зўрлигига ўғлинг Темур қўйди чек,
Мангуликка юлдуз билан номинг ёзди Улуғбек,
Алишер-ла бўй кўрсатди кенг жаҳонга мард Ўзбек,
"Ўзбекистон" деган номинг олам билар, Ватаним!

Кўхна тарих ҳар кимни ҳам сенинг каби сийламас,
Зуваласин табарругу тоза қилиб ийламас,
Тупроғида гўзал Хива, Бухорони бийламас
Яратганингни ўзи сенга назар қилар, Ватаним.

Тоғларингга арчазорлар, боғларинг чаманзорлар,
Осмонларинг ўпиб турар минг йилга тенг чинорлар,
Булбулларни масту-аласт қилар нафис ифорлар,
Кучоғингга қиш қирқилар, баҳор қулар, Ватаним!

Эй, Мунаввар, пешонангга мусофирлик бўлмасин,
Бир онинг ҳам ҳижрониди ғам-аламга тўлмасин,
Бахтинг гули шу тупроқда, ундан айро сўлмасин,
Сенинг билан бағир бутун, кўнгли қулар, Ватаним!

**Мунаввара ҚУРБОНБОВЕВА,
Беруний туманидаги 61-ўрта мактаб ўқитувчиси**

**МУСТАҚИЛЛИК
ҚЎШИҒИ**

Мустақиллик тожин бошга жиға қилиб таққан юрт,
Этак тўла боласини ювиб, тараб боққан юрт,
Сулувлари хуру малак, йигитлари чаққон юрт,
Жаннатмакон тупроғига қут-барака ёққан юрт,
Қани тилло жомингни бер май қуяйин жомингга,
Гард юқмасин мустақил юрт Ўзбек деган номингга.

Оқ булутдан салла боғлаб тоғлар бугун таъзимда,
Лабларидан шарбат томиб, боғлар бугун таъзимда,
Ёноғидан нур ёққан дўст чоғлар ўзин таъзимда,
Тўқсон икки элат туркий белин боғлар таъзимда,
Темур бобом руҳи мадад берсин,
юртим, номингга,
Қут-барака ато этсин оқ олтининг конингга.

Истиқлолбек — бургут бола бугун юртни кезади,
Мустақиллик тожи хуснинг, чиройингни безади.
Косагулинг, бу Раҳиминг эрк шаробин сузади,
Наврўз келиб боғларингга шода маржон тизади,
Гард юқмасин, Она элим, Ўзбекистон номингга
Қани тилло жомингни бер, май қуяйин жомингга.

**А.АБДУСАМАТОВ,
Шахрисабз туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси**

Рустамнинг шаҳри азимда яшаётганига ҳам анча йил бўлиб қолди. Институтни тамомлаганидан кейин уни шу ерда ишлашга таклиф этишди. Кенг, шинам уйи, машинаси бор, хуллас, ҳамма нарсаси етарли. Турмуш ўртоғи Вазираҳон ўқитувчи, фарзандларининг каттаси мактабда, кичиги боғчада. Қўлларини қаерга узатса етгудай, турмушлари фаровон.

Рустам ҳар сафар қишлоғига борса, буваси Қодир отани уйимга олиб кетаман, деб қистовга олади. Буваси бўлса эски дарди кўзғалиб қолишидан қўриқиб, "Кўй болам, узоқ йўл, энди қариб қолдим, ўлсам қишлоғимда ўлай" деб жавоб беради. Айниқса, у кампири Шарофат буви оламдан ўтгандан кейин ўзини жуда ёлғиз ҳис этадиган бўлиб қолди. Чунки улар бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар. Бошларидан қийин даврларни ўтказганда, бир-бирларига суянчиқ бўлишди, аммо тинимсиз меҳнат, пахтазорга сепилган ҳар хил кимёвий дорилар Шарофат бувининг соғлиғига таъсир қилди. Раҳматли буви чолини аяб, яхши кунларни орзу қилиб дунё-

Badia

га чиққанлар. У пайтда йўл жуда қийин эди. Бунақа озода машиналар йўқ, катта бойларда извош бўларди. Халқ пиёда ёки

эшак миниб манзилига борарди. Онам раҳматли шунақа содда аёл эдиларки, кимдир уларга поездга чиққанингизда албатта картошка сўрайди, деб айтган, яъни карточка (билетни шундай аташган). Куз пайти эди. Оддий пальто кийган онам чўнтақларига катта-катта картошқаларни солиб, йўловчиларни кузатиб борувчи йигит олдиларига чипта сўраб келганда, "мана болам, сизга" деб икки чўнтақлариди картошқани унинг қўлларига берибдилар.

"И-е, нима қиламан энажон, буларингизни", деса, "шўрва қилиб ичасиз болам, ўзингиз картошқаларни кўрсатинг дедингиз-ку", деган эканлар.

Энди, Тошкентга етиб келганда трамвайларнинг биринчи чиққан даври эди. Биз учун ҳайратли кичик поезд эди. Ичи тоза, ғилам солинган эди. Бир вақт сезмабмиз. Онам раҳматли трамвайга чиқишдан олдин ковушларини бекатга ечиб чиқибдилар. Кейин манзилга етганда, тушамиз десак: "Ҳай болам, шош-

МУНАВВАР ТОНГ

дан ўтиб кетди. Қодир ота ақлини танибдики, меҳнат қилади, энг кучга тўлган йигитлик даврини сувчилик билан ўтказган, шунинг учун сал белига шамол тегса, ўрнидан туролмайди, бод кўзғалиб, оғрийди. Пахтаи сугориш вақтида ҳафталаб дамариқни пойлаб, зах ерда ваҳимали тунларни ўтказган. Ана шу вақтдан қолган бу дард ҳар қуни бир безовта қиларди. Шунинг учун ҳам Шарофат буви чолини сал узоқроқ жойга бораман деса, юбормасди. "Белингиз тортишиб қолса, ким қарайди" дерди. Энди кампири ҳам йўқ, Қутлуг кунларга етолмади. Рустам ҳам шу ҳақда ўйлаб юрарди: "Бувамни олиб кетсам, албатта, яхши шифокорга кўрсатиб, уни дарддан халос этаман".

У Қодир бувани байрамга, Хотира майдонини, Амир Темур музейини зиёрат қилишга олиб келишни астойдил ният қилди. Мана, энди водийдан ҳам йўл яқин. Тоғ бағри—ер тагидан йўл. Бу оламшумул иш, бобоси 3 соатда Тошкентга бемалол етиб келади. Эрта уйғонган Рустам: "Буважон, нарсаларингиз тайёр, дадам-ойим сизни менга топширишди. Юринг, кетдик, "йўловчига йўл яхши", дейишган машойихлар", деди...

Рустам машинани елдек учириб, бувасини тоғлар оша олиб келар экан, Қодир ота бир вақтлар қор босиб, одамлар ойлаб от билан бу йўлдан ўтолмаганларини эслаб, энди бўлса ҳавас учун ҳар қуни қатнаса бўлгудек йўл очилганига ҳайрат билан боқди. "Кўрдингизми, буважон, бир вақтлар Отабек ҳам шу ердан ҳафталаб қор кечиб, Қумушбибини кўриш учун тоғлардан ошиб келган. Тўғрими?" "Ҳа болам, йўлни кўриб, гапиришга тилим ожиз. Инсоннинг қудрати кучли. Тоғ бағридан йўл қилса-я, қўли гул одамлар барака топишсин. Мен бўлсам йўлда қийналиб, дардим кўзғалиб қолса, қолиб кетаманми, деб ўйлабман".

У яна қўлини дуога очиб, шундай кенг йўлларни қурган ва унга бош бўлганларни узоқ дуо қилди. Рустам бувасининг дадаси—бобоси ҳақида сўраганда, Қодир ота кўзларига ёш олиб гапириб берди:

— Мен ўсмир бола эдим, дадам, ойим Тошкентга инилари Чустийни кўришга борамиз деб поезд-

май туринг, ковушимни кийиб олай" деб бекатдан ковуш қидирганлар. Шунда бизни интизорлик билан кутиб турган Набиҳон тоғам(Чустий) мазза қилиб кулганлар. Уйлари бекатга яқинлиги учун дадам онамни опичиб кетганлар. Ҳозир бўлса, қара болам, бир қадам ҳам пиёда қолмайсан. Тушсанг оёғинг тагида машина, осмонда аэроплан... Ҳамма хонадонда машина, зап замон бўлди, афсус кампири кўролмай ўтиб кетди.

Бувасининг ҳикояси билан Тошкентга ҳам етиб келишди. Отахон турнақатор машиналар, янги осмонўпар биноларни кўриб кўзи қувонди. У набирасининг уйига кирар экан, келини, эвараларини кўриб беҳад қувонди. Қодир отанинг касали эсидан чиқди...

Қодир бува бир ёзувчининг сўзларини эслади. Ундан: "Сиз қайси фаслини ёқтирасиз?" деб сўрашганида: "Қиш фаслини, чунки кейин, албатта, баҳор келади, мен тунни яхши кўраман. Албатта, сўнг тонг отади, мен ҳижронни яхши кўраман, чунки, албатта кейин висол келади", деган экан.

Ниҳоят Қодир бува орзу қилган тонг отди. Она-Ватан — Ўзбекистон мустақил бўлган кун ана шу мунаввар тонгнинг биринчи кунда қишлоғида от миниб, сахарлаб одамларни уйғотгани, хурсандчилигини ичига сиғдирилмай, "биз мустақил бўлдик" деб жар солгани эсида, беадад шукрки, шу кунга ҳам ўн уч йил бўлибди. У Хотира майдонини зиёрат қилар экан, ўтганлар билан қалбан сўзлашди: "Шу кунларга етиб келдик, руҳларингиз шод бўлсин, Шарофатим, мен бу кунларга етиб келдим. Руҳинг шод бўлсин".

Унинг кўзлари қувонч ёшлари билан намланди. Набирасининг кенг айвонли уйдан шаҳарни томоша қилар, осмон тўла юлдуз, шаҳарга сигмай, бир-бирлари билан баҳслашаётгандай, ёнаётган кўш-кўш чироқлар, уларнинг шуъласида янада гўзал кўри-наётган юртининг жамолига ҳавас билан боқар экан, оҳиста пичирлади: "Ёмон кўзлардан асрасин, юртим. Эртага отажак яна бир мунаввар тонгинг, ўн уч ёшинг қутлуг бўлсин!".

Саломатхон ҲАСАНОВА



"ЎҚИТУВЧИ" НАШРИЁТ - МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги билан барча таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ўқитувчиларни, устоз-мураббийларни ва тарбиячиларни самимий қутлайди!

Ёш авлод камоли йўлида тер тўкаётган Сиз азиз ва муҳтарам касб соҳиблари учун ҳукуратимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва эътибор Сизни янги муваффақиятлар сари чорлаши, табиий. Демак, мамлакатимизнинг янада юксалишига, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни тагин ҳам мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Дунёда ўқитувчи зотидек улуг ва шарафли касб эгаси йўқлигини ҳамма билади. Улар қалб қўрини, кўз нурини, сабр-тоқатини шахс камоли учун бағишлайди.

Сиз билан мақсадларимиз, вазифаларимиз муштаракдир. Нашриётимизда чоп қилинаётган дарслик ва қўлланмалар таълим тизимининг қони-ю жонидир. Зеро, мақсад ва ниятлари бир-бирига яқин кишиларнинг барчаси бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида елиб-югурмоқда.

Азиз устозлар!

Янги 2004-2005 ўқув йилида барчангизга соғлик-саломатлик, куч-қувват, ютуқлар ёр бўлаверсин!



ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ МУБОРАК!

БИЗНИ ТАБРИКЛАШАДИ

Анил Шастри, Хиндистон Миллий Конгресс партияси котиби, Лал Баходир Шастри номидаги Менежмент институтининг раиси:

— Менинг отам, Хиндистоннинг иккинчи бош вазири Лал Баходир Шастри 1966 йил 11 январь куни Тошкентда Покистон билан Тинчлик Шартномасини имзолаганидан сўнгра ерда мангу кўним топган. Хотирасига бағишлаб Тошкентда ёдгорлик ўрнатилган Шастри номини юртингизда яхши билишади. Биз бундан чексиз фахрланиб юрамиз.

Ўзбекистон сўнгги 13 йил давомидаги мустақил тараққиёт даврида санъат, спорт, иқтисодий жабҳада ва бошқа барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Мен Тошкентга борганимда бунга шахсан гувоҳ бўлган эдим.

Хиндистон ва Ўзбекистон буюк дўст мамлакатлардир. Маданиятимиз, халқларимиз ўртасида муштаракликлар кўп. Ўзбекистон Хиндистондан йироқ эмас. Биз чегарадош кўшни мамлакатлар бўлмасак-да, қалбан бир-биримизга жуда яқин халқларимиз. Ўз номимдан ва Шастри оиласи номидан энг эзгу тилаklarимизни дўст ўзбек халқига ва Ўзбекистон ҳукуматига изҳор этаман.

Чжан Дэгуан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ижроия котиби:

— ШХТ ташкилоти номидан Ўзбекистон халқини миллий байрами билан қизғин ва самимий табриклаш менга мамнуният бахш этади. Биз ёш республиканинг тарихан шу қадар қисқа муддатда улкан ютуқларга эришганидан чин юракдан қувонамиз. Ўзбекистон ҳар доим давр воқелиги ва мамлакат аҳолисининг туб манфаатига мос келувчи тинчлик, барқарорлик, ривожланиш тимсолини излашга интилади.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Президент И.А.Каримов билан учрашиш шарафига муяссар бўлдим. Ўзбекистон Республикаси раҳбари минтақавий хавфсизликни таъминлаш кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Биз ШХТ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишида ўзбек томонининг фаол ҳаракатини, ташаббуслари ва интилишини самимий маъқуллаймиз ва келажакда самарали ҳамкорлик қилишга умид билдираемиз.

Кёка Накаямо — Япония Вазирлар маҳкамасининг махсус маслаҳатчиси, Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:

— Ўзбекистон — минтақанинг энг барқарор мамлакатларидан биридир. Лекин республиканинг олиб бораётган сиёсати халқаро террорчиларда кўролмаслик ҳиссини уйғотмоқда. Шунинг эътиборига олиб, ўйламанки, Япония ва Ўзбекистон ушбу салбий иллатга қарши биргаликда курашишлари лозим. Мен Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга ўз ҳиссамни қўшишга ҳар доим тайёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини ва мамлакатинингиздаги дўстларимни Мустақиллик куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ишонаманки, Президент Ислам Каримовнинг раҳбарлигида Ўзбекистон келгусида улкан муваффақиятларга эришади. Дўст Ўзбекистон халқига байрамона кайфият, мустақам саломатлик ва бaxт-саодат тилайман.

ХИНДИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллик байрами тадбирлари доирасида Дехлидаги Хиндистон молия институтида “Хиндистон—Ўзбекистон: ҳамкорлик учун имкониятлар” мавзuida мамлакатимизга бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда мазкур олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, талабалари, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис олимлар ҳамда дипломатик доиралар вакиллари иштирок этди.

Молия институти ректори, профессор Жай Дев Агарвал тадбирни очар экан, ўзбек ва хинд халқлари ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани, жумладан, олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик из-

чил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Тошкентда Ўзбекистон-Хиндистон халқаро бизнес мактабининг очилиши, ўзаро талабалар ва профессор-ўқитувчилари алмашуви тўғрисидаги ҳужжатлар имзолангани бунинг амалий ифодасидир, деди у.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, мамлакатда олиб борилаётган изчил иқтисодий ва молиявий сиёсат, хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва қўлқўллар ҳамда хинд-ўзбек ҳамкорлиги имкониятларига оид тақдимот тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон ўзининг мустақил ривожланиш даврида улкан ютуқларга эришди ва улар

бутун халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда, — деди Хиндистон молия институти Бизнес мактаби раҳбари, профессор Аман Агарвал. — Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда ва бу ҳамкорлик бундан буён ҳам томонлама ривожланишига шубҳа йўқ, чунки мамлакатларимизни нафақат муштарак манфаатлар, балки қадимий тарихий ва маданий-маърифий ришталар бирлаштириб туради.

Тақдимот якунида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш одимлари, гўзалликда бетакрор Бухоро, Самарқанд ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильмлар намойиш этилди.

ДИЛНОЗА — БРОНЗА НИШОНИ СОҲИБАСИ

Бангладеш Шишу Академияси томонидан ташкил этиладиган аънавий 3-Биенел халқаро болалар санъати мусобақаси ниҳоясига етди. Унинг натижаларига кўра, ҳамюртимиз — 9 ёшли мактаб ўқувчиси Дилноза Холматова ушбу мусобақанинг бронза нишонини совриндори бўлди. Шунингдек, яна 12 нафар ўзбекистонлик ёш расом ушбу халқаро мусобақанинг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди.

Ушбу мусобақанинг асосий болалар-интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришдан иборатдир.

1976 йили ўз фаолиятини бошлаган мазкур Академия ҳозирги пайтда Бангладешнинг 64 та туманида ўз бўлимларига эга. У 1998 йилдан буён Биенел халқаро болалар расмлари мусобақасини ўтказиб келади. Қабул қилинган тартиб-қоидага мувофиқ, ёш расомларнинг ижод намуналари уларнинг ёшига қараб (6 ёшдан 18 ёшгача) 6 гуруҳга бўлинган ҳолда кўриб чиқилади.

Мусобақа йўлга қўйилган дастлабки йиллари Биенел халқаро болалар расмлари мусобақасида жаҳоннинг 12-16 мамлакатидан ёш ижодкорлар қатнашган эди. Биенел халқаро болалар расмларининг ушбу учинчи мусобақасида эса Осиё, Европа, Африка ва Шимолий Американинг 34 мамлакатидан ёш расомларнинг 14 мингга яқин ижод намуналари кўриб чиқилди. Энди улар орасидан танлаб олинган 658 та расм Биенел мусобақаси кўргазмасида намойиш этилади.

Bolalar ijodiyoti

аънавий канинг мақсадини ин-

Валлония пойтахти Намур шаҳрида 45-Халқаро фольклор кўшиқ ва рақслар бунтунжаҳон фестивали ниҳоясига етди. Ўзбекистоннинг “Гулибону” продюсер маркази гуруҳи таркибидаги яқка ижрочи Карим Фуржонов, “Аббос” гуруҳи мусиқачилари ва “Баҳор” ансамблининг раққосалари ушбу мусиқий анжуманида иштирок этишди.

Намур фольклор фестивалининг очилишида кўп сонли мусиқа ихлосмандлари орасида шаҳар ҳокимияти вакиллари ҳам бор эди.

— Ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқишларини катта қизиқиш билан томоша

НАМУРДА ЎЗБЕК ГУРУҲИ

қилдим. У Намур аҳолисини ўзбек халқининг бой ва ўзига хос маданияти ҳақида тасаввур бериб, мамлакатларимиз ўртасида маданий ҳамкорлик тимсоли бўлиб қолади. Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз номидан Ўзбекистон халқининг миллий байрами Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклаб, бахт, келажакда юксалиш ва тараққиёт тилайман, — деди Намур шаҳар мэри Бернар Алсельм.

“Жаҳон” АА хабарлари

ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ ИСБОТЛАНДИ



Россия Федерацияси ҳукумати икки портлаган самолётларда ҳалок бўлганлар яқин қариндошларига 100 минг рублдан компенсация пули ажратишга қарор қилди. Бу ҳақда Россия Федерацияси транспорт вазири Игорь Левитин хабар берди. Бундан ташқари Россиянинг бошқа ҳудудлари аҳолисини ўз ҳамюртларига дафн маросимини ўтказиш учун ёрдам кўрсатадиган бўлди.

ТУ-134 самолётида 44 киши бўлган. ТУ-154 самолётида эса фожиа вақтида 46 нафар йўловчи бор эди. Бир ҳафталик тегишувлардан сўнг федерал хавфсизлик хизмати ходимлари икки

самолётдан гексоген портловчи моддаларини топганлиги ва ушбу вазиятга аниқ террорчилик хуружи дея баҳо бериш мумкинлигини таъкидлаб ўтишди.

Эндиликда ҳукуматдан ташқари моддий ёрдамни сўғурта компаниялари ва икки аэропорт маъмуриятлари тўлаши керак бўлади. Россия федерал хавфсизлик хизмати портловчи моддалар қай йўл билан самолёт бортига кириб қолгани ҳақида бош қотирмоқдалар. Ахир йўловчилар самолётга етиб боргунча бир неча текширув босқичларидан ўтади.

ЯПОНИЯДА ТЎФОН КУЧАЙМОҚДА

“Чаба” номи кучли тўфон оқибатида 6 киши ҳалок бўлган ва кўплаб инсонлар турли даражадаги тан жароҳатлари олишган. Табиий офат ўз йўлини давом эттириб, Курил ва Сахалин ороллари томон сурилиб келмоқда. Унинг тезлиги ҳозирча соатига 60 км. ни ташкил қилаяпти. Аммо тўфон соатига 200 километргача кучайиши мумкин. Гувоҳларнинг айтишича, кучли шамол ўз йўлида одамлар ва уй ҳайвонларини осонгина учуриб кетаяпти. Енгил қурилган иморатлар эса тўфонга дош беролмай, қаттиқ шикастланмоқда.



Шифохоналарга ёрдам сўраб сўнгги кечаю кундузда 80 дан ортқ киши мурожат қилган. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабар тарқатган. “Чаба” олиб келган довул эса, Такамацу шаҳрини сув остида қолдириб, аҳолини эвакуация қилишга мажбур қилган. Электр симёғчаларининг қулаши натижасида эса, 220 минг аҳоли чироксиз қолиб кетган.

МУЗОКАРАГА ТАЙЁР

Шиалар йўлбошчиси Муқтада ас-Садр АҚШ ҳарбийлари билан музокаралар олиб боришга тайёрлиги ҳақида гапириб ўтди. У тарафдорларини ҳар қандай ҳарбий тўқнашувларни тўхта-тиб, қуролларини топширишга чақир-

ди. Муқтада ас-Садрнинг айтишича, у ўз ҳаракатини қонуний ташкил қилиб, ҳукуматда жой эгаллаш йўлини демократик тарзда олиб боради. Аммо Ироқ ҳукумати аъзоларининг айтишича, бундай ваъдалар олдин ҳам кўплаб берилган. Бироқ риоя қилинмаган. Агарда шу гал Нажафда тинчлик ҳақиқатан ўрнатилса, у Ироқ бош вазири Аяда Алауи учун катта соғва бўлади, деб изоҳ берилмоқда матбуотда.

Шиалар эса ўз навбатида АҚШ ҳарбийларини Нажафнинг марказий ҳудудларини тарк этишга чақирмоқдалар.

МАҲБУС БОШ ВАЗИР БЎЛМОҚЧИ

Покистоннинг муҳолифатдаги партиялари янги бош вазирлик лавозимида ҳозирда 23 йиллик қамоқ жазосини ўтаётган сиёсатчи номзодини кўрсатди. Покистон муҳолифат партияси раҳбари Махдум Жовид Ҳошим жума куни бўлиб ўтган парламент сайловида галаба қозона олмади. У апрель ойида президент Парвез Мушарраф томонидан бошқарилаётган Покистон армиясига қарши душманлик қилганликда айбланиб, жавобгарликка тортилган эди.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли тайёрлади.

Мамлакатимиз халқ таълими тизимининг юксалишида ҳар бир вилоят, туман, ҳаттоки, ҳар бир таълим муассасасининг ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Бунинг қай даражада эканлиги эса ўша жамоа, ҳудуддаги яқдиллик, ташаббускорликка боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, 57 та умумтаълим мактаблари, 51 та мактабгача ва 7 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлган Тўрақўрғон туманида ҳам айни жабҳада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда туман халқ таълими бўлими мудири Олимжон Баннаев қуйидагиларни гапириб берди:

— Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатида устувор вазифа бўлиб келаётгани янада равшанроқ намоён бўлмоқда. Хусусан, 2004 йил мактаб таълими тараққиётида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тўхталиб, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги алоҳида фармон ва тегишли қарорлар қабул қилинганини мамнуният билан айтиб ўтиш лозим. Шундай экан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш соҳасида амалга оширилган ишлар қатори келгуси ишларнинг ҳам сифат даражасини кўтариш биздан катта куч-ғайрат, фидойилик талаб қилади. Туманимиздаги 57 та умумтаълим

мактабларида ўтган ўқув йилида 40789 нафар ўқувчи билим олганлиги, уларнинг 2327 нафари 11-синфни, 2339 нафари 9-синфни муваффақиятли яқунлаганида 3063 нафар ўқитувчининг катта ҳиссаси бор.

2003-2004 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчи ва тарбиячиларга методик хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор берилди. 2004 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

сасаси тажриба-синов майдони сифатида фаолият кўрсатди. 4-синф ўқувчилари 5 номдаги, 5-синф ўқувчилари 6 номдаги, 9-синф ўқувчилари 14 номдаги ижара дарсликлари билан фойдаландилар. 2004-2005 ўқув йили олдидан режалаштирилган фанлар бўйича шўъба йиғилишлари ўтказилди.

Туманда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва рағбатлантиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Фан олимпиадаларида голиб деб топилган 51 нафар ўқувчи умумий ўрта таълим фанлари

бўлдилар. Туман халқ таълими бўлими эришаётган ютуқларда 1, 4, 7, 8, 12, 13, 14, 22, 24, 28, 33, 39- мактаб жамоаларининг муносиб улуши бор. Бу йилги битирувчилардан 76 нафари ҳарбий билим юртларида бориш истагини билдирганлиги ўқувчилар ўртасида ҳарбий касбларга қизиқиш кучайганлигини кўрсатади. Тахлилларга назар ташлайдиган бўлсак, кейинги йилларда олий

нафар бола тарбияланмоқда. Ушбу муассасаларда "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури асосида иш олиб борилмоқда. 2004 йилда 8 та қисқа гуруҳлар, 6 та саводхонлик марказлари ташкил этилди. 1, 2, 5, 10, 20, 21- МТМлар иш фаолиятидаги ютуқлар, янгиликлар, илғор тажрибалар бошқа МТМларга намуна қилиб кўрсатилди.

Янги ўқув йилида 57 та умумтаълим мактабларига 3500 нафар ўқувчи, 51 та мактабгача таълим муассасаларига 4900 нафар 6 ёшгача бўлган болаларни, 7 та мактабдан ташқари таълим муассасаларига 4091 нафар ўқувчиларни жалб қилиш кўзда тутилган. Мактабларимизга 3500 нафар ёшларнинг 1-синфга қабул қилинишини ҳисобга олиб, уларни тегишли ўқув куроллари билан таъминлаш чора-тадбирлари кўриб қўйилди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида қуриб фойдаланишга топширилган Шаҳанд қишлоғидаги 34-мактаб янги ўқув йилида ўқувчиларни ўз бағрига олади.

Ўқув йили арафасида ўқитувчи ва мураббийларимиз саfiga 36 нафар олий маълумотли ёш мутахассис келиб қўшилдилар.

Энди ана шу ёш мутахассислар ва аввалдан меҳнат қилиб келаётган устозлар фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишлари лозим. Чунки таълим ва тарбия бериш ишлари чинакам фидойилик майдонидир.

Хуршид СУЛТОНОВ
ёзиб олди.

ФИДОЙИЛИК МАЙДОНИ

институтида 215 нафар, республика ХТХҚТМОМ институтида 24 нафар педагог қайта тайёрлаш ва малака оширишга жалб қилинди. Ўқитувчи ва тарбиячилар республика, вилоят малака ошириш институтлари ҳамда методика марказлари томонидан қўлланма ва тавсиялар, дарс ишланмалари билан мунтазам таъминлаб борилди. Туманда республика миқёсида 2 та, вилоят миқёсида 4 та, туман миқёсида 35 та семинар-кенгашлар ўтказилди. 26 нафар ўқитувчининг ДТС талабларини амалга ошириш бўйича тавсия ва тажрибалари оммалаштирилди. 3 та мактаб ҳамда 1 та мактабгача таълим муас-

бўйича олимпиаданинг вилоят босқичида иштирок этди. Унда голибликни қўлга киритган 12-мактаб ўқувчиси Д.Исоқова, 14-мактаб ўқувчиси М.Низомидинова олимпиаданинг республика босқичида ўз билимларини намоён қилишди.

Ҳозир туман мактаблари сифатли таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт ҳолга келтирилди. Бунга ота-оналар ҳамда ҳомий ташкилотларнинг берган ёрдамларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, 1, 5, 23, 41-мактабларнинг ҳомийлари "Оҳангар" масъулияти чекланган жамияти, Ибрат номидаги "Соҳилобод" ширкат хўжаликлари барчага ўрнат

ўқув юртларига қираётганлар қаторида 18, 23, 35, 38-мактаб ўқувчилари кўпчиликини ташкил этмоқда. Мактабларда ташкил этилган 1300 дан ортиқ фан тўғарақларига, 471 та қизиқишлар бўйича ташкил этилган тарбиявий тўғарақларга қатнаган ўқувчилар сони 42500 дан ортиб кетди.

Кейинги йилларда болаларни мактабга тайёрлаш, уларни соғломлаштириш, ақлий ва жисмоний баркамол бўлиб воғга етишларини таъминлаш мактабгача таълим муассасалари зиммасига янада катта масъулият юкламоқда. Бугунги кунда 51 та мактабгача таълим муассасаларида 4900

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЧИЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

жамоалари
меҳмондўст, бағрикенг,
тинчликсевар,
санъатсевар,
меҳнаткаш ва дунёгкор
халқимизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
13 йиллик тўйи
билан қутлашгу!



МУНОСИБ СОВҒА БИЛАН ҚАЙТИШДИ



Афинада олимпия ўйинлари бошланиб, турли давлатларнинг спортчилари у ёки бу спорт туридан олтин, кумуш, бронза медалларини бир-бир қўлга кирита бошлагач, кўнглимизга хавотир туша бошлаган эди. Юртимиз шарафини ҳимоя қилишга чоғланган спортчиларимиз ҳам медал билан юртимизга қайтармакан, ким Ўзбекистоннинг 13 йиллик тўйига муносиб совға — олтин медални қўлга киритар экан?

АҚШ, Хитой, Россия каби давлатларнинг медаллари сони ошиб боргани сари, ўзбекистонлик спортчиларнинг бир-бир беллашувларни тарк эта бошлагани тўғриси, шаштимизни туширди.

Йўқ, Халқимиз бежиз "яхши от кейин чопади" демас экан. "Афина — 2004" ниҳоясига ета бошлаган бир пайтда қувончли хабар қалбимизни гурурга тўлдирди.



Сидней олимпиадасидаги "чарм қўлқоп" устаси Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг галабаси, турли мусобақаларда боксчиларимиз эришган муваффақиятлар бундай фикр туғилишига сабабчи бўлганди. Афинада ўйинларни катта ишонч билан бошлаб, кетма-кет галаба қозонаётган боксчиларимиз ярим финалгача етиб боришди.

81 кг. вазн тоифасида рингга чиққан Ўткирбек Ҳайдаров рақибдан устунлигини тўла намоён этди. Аммо омад бу ўйинда америкалик Андрэ Уордга кулиб боқди. Шу тариқа ҳамюртимиз бронза медали билан кифояланди. Яна бир боксчимиз Баҳодиржон Султонов ҳам ўз вазн тоифасида бронза медалига сазовор бўлди.

Ер юзининг 202 мамлакатидан энг кучли спортчилар қатнашган бу мусобақада Ўзбекистон 2 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медали билан 34-ўринни эгаллади.

Тошкент халқаро аэропортида олимпиадада муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз катта шодиёналар билан кутиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев тантанада сўзга чиқиб, олимпиячиларимизни кутлади.

Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрамига муносиб совға билан қайтган спортчиларимизга келгуси мусобақаларда ҳам зафар ёр бўлсин.

Шарифа МУРОДЖОН қизи.
Бурҳон РИЗО олган суратлар

Юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Александр Дохтурашвили XXVIII ёзги Олимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Олимпиаданинг охириги икки кун эса ҳақиқий маънода байрамга айланди. Эркин кураш бўйича ўта оғир вазн тоифасида (120 кг.) Артур Таймазов Озарбойжон, Болгария, Россия сингари давлатларнинг кучли курашчиларини мағлубиятга учратиб, ярим финалда Айдин Пўлатчи (Туркия)ни 4:1 ҳисобида енгди. Финалда эронлик Алиризо Ризойи устидан соф галаба қозон-

ди. Артур бу галабаси билан Ўзбекистон спортчилари ҳисобига яна бир олтин медални ёзиб қўйди.

Эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, катталар ўртасида Осиё чемпионати совриндори Магомед Ибрагимов Хожимурот Гацалов (Россия) билан тенгма-тенг кураш олиб бориб, очколар ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. У Афина ўйинларидан Ўзбекистонга кумуш медал билан қайтган спортчи сифатида тарихга ёзилди.

Кўпчилик ўйинлар бошланмасдан аввал боксчиларимизнинг бир неча медаллар соҳибига айланишини башорат қилган эди.

Afina — 2004



16 кун давом этган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари кутилмаган натижаларга бой бўлди. 29 август кун Халқаро Олимпия Кўмитаси раиси Жак Роге иштирокида ёзги ўйинларнинг расман ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

"Афина — 2004"нинг бошқа мусобақалардан ажралиб турувчи жиҳати нимада эди?

Энг аввало, мусобақаларни ташкиллаштириш учун кетган маблағнинг миқдори "Афина — 2004"нинг янада эсда қоларли бўлиши учун замин яратди. Маълумотларга қараганда, XXVIII ёзги Олимпия мусобақалари учун 10 млрд. доллар ажратилган. Бу "Сидней — 2000" дагига қараганда 4 баравар кўп демакдир. Бундан ташқари Греция ҳукумати хавфсизликка ниҳоятда катта эътибор берди. Дунёнинг ривожланган 21 мамлакатидан келган 6 мингдан ортиқ мутахассислар маҳаллий вакиллар билан биргаликда 16 кун мобайнида мусобақаларнинг хавфсиз ўтиши учун масъулиятни ўз зиммаларига олдилар. Афина ҳаво бўшлиқлари НАТО ҳарбий самолётлари томонидан доимий кўриқланди. Денгиз ёки қуруқликдан олиб ўтилиши мумкин бўлган ҳар қандай хавфли востита қаттиқ назорат остига олинди. Баъзи бир грек нашрлари ҳукуматнинг хавфсизликка ортиқча эътиборидан хавотирга тушишди.

Ҳар қандай давлат ўзини дунёга танитишни истади. Бу борада спортнинг ўрни бекиёсдир.

Мусобақа якунида энг кўп медал тўплаган давлатлар кетма-кетлиги эълон қилинди. Унга кўра медалларга эга бўлган 72 та давлатдан биринчи ўринни АҚШ, 2-ўринни Хитой, 3-ўринни Россия, 4-ўринни Австралия, 5-ўринни Япония давлатлари эгаллашди. Поғонанинг марказий қисмида бизнинг юртимиз номини учратиш мумкин.

Ўзбекистон ҳисобида 2 та олтин, 1 та

кумуш, 2 та бронза медал бор. Дунё давлатлари орасида 34-ўринда, МДХ мамлакатлари орасида 5-ўринда турган Ўзбекистон ўзининг қудратини яна бир бор намоён қилди.

Энди мусобақаларнинг трансляцияси борасида икки оғиз сўз. Дунёнинг 300 дан ортиқ спорт каналида, 4 мингдан ортиқ телеканалда тинимсиз намоён этилган Олимпиада мусобақаларининг

Греция ҳукумати томонидан трансляция қайта узатиш ишларига 1,6 млрд. доллар миқдоридан маблағ ажратилган.

Спорт — тинчлик ва дўстлик элчиси. У мутлақо танг аҳволда ҳам халқларни бирлаштира олади. У интеграция учун жуда катта аҳамиятга эга. Ҳар тўрт йилда ўтказиладиган Олимпиада мусобақалари дунё халқлари тараққиёти учун хизмат қилиб келаётир.

«ОЛИМПИАДА — 2004» НИҲОЯСИГА ЕТДИ

XXI асрдаги дастлабки Олимпия мусобақалари муваффақиятли ўтди.


узатилиш сифати "Сидней — 2000" никига қараганда 2,8 баравар устунликка эришди. Доимий трансляция учун Афинада 32 мингга яқин журналистлар меҳнат қилишди.



Халқаро Олимпия Кўмитаси раиси Жак Роге жаноблари Олимпиаданинг рамзий байроғини Пекин шаҳри мэрига топширди. Бу кейинги XXIX Олимпиада ўйинлари Пекинда ўтказилишини аңлатади.

Ҳақиқатдан ҳам "Пекин — 2008" учун Хитойда кенг қўламли тайёргарлик алақачон бошлаб юборилган. Далилларга таяниб айтиш мумкин, кейинги мусобақалар бундан-да дабдабалироқ ўтади. Хитойлик спортчиларнинг натижалари кейинги Олимпиадада яна ҳам кўтарилади. Шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам.

Греция Олимпиада билан хайрлашган кунда мусобақаларнинг энг сўнги натижалари маълум бўлди. 42 км.га ма-



рафонча югуриш бўйича ўтказилган синовнинг энг сўнги кунга қолдирилганининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор. Форслар билан урушда галаба қозонганини маълум қилиш учун қадимги элладалик жангчи 42 км.дан ошқ масофани тўхтовсиз югуриб ўтган эди. Замонавий марафон "жангчи"лари эса олтин медал учун ошиқшиди. Энг юқори кўрсаткич соҳиб италиялик Стефано Бальдини олтин медал билан, голибдан 9,2 секунд ортда қолган америкалик Мебраторна Кефлезиги кумуш медал билан, учинчи ўринда марра чизигини кесиб ўтган бразилиялик Вандерлей де Лима бронза медал билан уйларига қайтадиган бўлишди.

Шундай қилиб, XXVIII ёзги олимпиада мусобақаларининг сўнги медаллари ўз эгаларига топширилди.

Шаҳобиддин МУСАЕВ

Badiya

Билмадим, сенингча қандай, аммо менинг "фалсафам"га кўра, ёлғизлик бахтсизликдир. Бирок, бу ёруғ оламда ундан ҳам даҳшатлироқ бахтсизлик бор. У ғарибу нотавонлик — Ватанга-доликдир. Бу даҳшатли бахтсизликдан худонинг ўзи асрасин.

Сен шуни яхши билгинки, бу дунёда ҳеч ким сену менчалик бизни яхши билмайди. Бас, шундай экан, кел, бу дунёда сену мен бир-биримизга ишонайлик. Кўряпсанми? Одамлар бир-бирларининг кўзларига тик қараганча биров-бировларини қандай алдаб кетишяпти. Ҳарқалай сену мен бир-биримизни алдамасак керак. Ахир сену мен бир гавдаю бир бошимиз, бир маслағу бир ғоямиз. Сен ва мен бирга туғилдик, кун ўтиб бир кун бирга кўмиламиз. Кел, сен ва мен ўз-ўзимиз билан энг лазиз туйғуларимиз хусусида юракдан бир суҳбатлашайлик.

Бани одам боласи учун бу ёруғ оламда она сутидек лазиз

СОДИҚ ДҮСТ

ёхуд ўзим
билан суҳбат

бир хилқат бор. Бу унинг киндик қонлари тўкилган Она Ватанидир. Ватан — бу, сенинг ҳам, менинг ҳам борлигимиз, орзу-армонларимиз, қувончу шодликларимиз жо бўладиган табаррук маскан. Ватан тупроғи қутлуг. Унинг ҳиди бекиёс ширин. Сен Ватанинг заминини синчиклаб кузат. Кўряпсан-ми? Унда онаизоринг аллалари таралган сенинг бешиқларининг излари қолган. Дардсиз юракка муҳаббат сиймайди. Фақат Ватан дарди жо бўлган юраккина қон томирларга ўздан миллий ғурур ҳиссини юбора олади. Ана шундай юрак соҳибигина қорнига эмас, қадрига йиғлайди. Танида ана шундай юрак безовта уриб турган инсонгина бизнинг Буюк истиқлолимизнинг юсак бахт эканлигини ҳис қилолади...

Дўстим, сен ҳам мен билан баробар бир неча сония кўзларингни юм!.. Кўряпсанми, кўз ўнгида нималар гавдаланаяпти? Уларни танияпсанми?... Ана у Широқ! У "Она тупроқ!" дея ажал саҳросида яёв юрибди... Ана у Тўмарис. У "Ватаним!" дея тенгсиз ёвларга қарши чиқаяпти... Ана Темур, "Муқаддас Туроним!" дея ғанимларни қува-япти...

Сен менинг айтганларимни уқдингми? Шундай. Сен ва мен учун дунёда киндик қонимиз сингиб кетган ана шу Она тупроқдан муқаддасроқ замин йўқ. Сен шуни зинҳор ва зинҳор унутмагинки, сену мен учун Ватандан ўзга содиқ дўст йўқ.


Абдували ОБИДДИН

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ, КУТУБХОНАЧИЛАР
ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. О.Каримова "Конституция алифбоси" 2-3-4-синф
2. В.Костецкий "Конституция оламига саёҳат" -5-6-7-синф
3. "Жаҳон тарихи" -7-синф
4. "Чизмачилик" -8-синф
5. "Ўзбекистон тарихи" -8-синф
6. "Чизмачилик" -9-синф
7. "Конституциявий ҳуқуқ асослари" 9-синф
8. "Умумий биология" -10-синф
9. "Ҳуқуқшунослик" -10-синф учун
10. Г.Хидоятлов "Жаҳон тарихи" 10-синф
11. Д.Алимова "Ўзбекистон тарихи" 10-синф
12. "Жаҳон тарихи" -11-синф
13. "Ўзбекистон тарихи" 11-синф
14. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11-синф
15. "Умумий биология" (кирилл) 10-11-синф



Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-3-4-класс
2. "Русский язык" 4-класс
3. С.Зинин и др. "Русский язык" 6-класс
4. В.Костецкий "Путишествие в мир конституции" 5-6-7-класс
5. "Литература" 6-класс
6. "Всемирная история" -7-класс
7. "Русский язык" 7-8-класс
8. "История Узбекистана" 8-класс
9. "Основы конституционного права" 9-класс
10. "Общая биология" 10-11 класс
11. "Русский язык" 10-11-класс
12. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс
13. Г.Хидоятлов "Всемирная история" 10-класс
14. "История Узбекистана" 10 класс
15. "Всемирная история" 11-класс
16. "История Узбекистана" 11-класс

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Улгуржи хариддорларга чегирма (скидка) берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр), тел: 133-58-72, 133-35-90

Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси), тел: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 71. тел: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Аҳси кўчаси, (Сардоба бозори ёнида) тел: 6-48-31.
Хива шаҳри, Кўриқхона "Ичан-Қалъа", тел: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14, тел: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-микрорайон, 9-уй, тел: 227-66-44.
Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси, 1, тел: 92-942.
Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Нархлар сизни қаноатлантиради!

ЭГИЗАК СКАНВОРЛАР 2

	Тепки-кайик	Йўл хақи	Термин	Ботир	Тож	Рус олимпиа	Япон императори	Мажмуа	
		Изи-роб	Сабаб		Автоном республика (Россия)	Чин диядан	Газетага ёзилиш	Кайсар	
Мўйна-ли хайвон	Охир		Тропик мева		Секретар киз	Касаллик		Ит лақаби	
Мисол	Мақрол		Хали-гача	Спорт анжуми	Улпон	Халқ	Бурж	Ўзбек исми	ГАИ (Ўзбек часига)
Сабзавот	Хон	Кон сурувачи	Юклама				Она (шева)		
Бразилиядаги стадион	Туркман пули				Ичимлик	Эпик асар			
Тригонометрик функция					Айтишув				
Марта (рус)					Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ	Кафе			



Xullas...

ЕНГИЛЛАШГАН
МУЛЛИ

Янги зеландиялик фермерлардан бири боқайтган Мулли лақабли кўй бир хил яшаш жонига текканиданми, йўқолиб қолди. Орадан олти йил ўтса ҳамки, эгаси ундан умидини узмаган, қачондир подага «лоп» этиб кириб келишига ишонар эди. Мулли эса тоғ ён-бағирларини макон тутиб, кун сайин вазни оғирлашиб борарди, ҳам эти, ҳам жуни ҳисобига йириклашиб бораётган кўйни ниҳоят излаб-излаб топиб олдилар.

Ўтган давр оз эмас. Мулли таниб бўлмас даражага келибди. Кўйнинг эгаси жун қирқиш бўйича жаҳон чемпиони даражасига кўтарилган Доминик Фасста мурожаат қилди. Қисқа дақиқалар ичида тартибга келтирилган кўй шу қадар енгиллашдики, ўйноқлаб сакрай кетди. Ахир 28 кило жунни кўтариб юришининг ўзи бўладими?

УЧУВЧИ
ГУЛДАСТАЛАР

Павлов шаҳарчаси фуқароси Сергей Мозговой бир йилдан бери ўз мутахассислиги — биологияга жуда боғлиқ бўлган иш билан шуғулланиб келмоқда. У уй шароитида йирик капалак тури — махаон боқишга ишқибоз. Сергей ўн квадрат метрлик тўрли «том»ида 250—300 та капалак етиштиришининг уддасидан чиқишга уринмоқда. У капалакларни сув аралаштирилган асал билан боқаяпти. Ҳашаротларни «учувчи букетлар» деб аташ керак. Чунки улар худди гуллар каби ранг-баранг ва киши кайфиятини кўтаради, дейди мухбирларга интервью берган Сергей.

Қанотлари товланиб учаётган капалаклар чиндан ҳам гулни эсла-тади...

ana shunaqa
gaplar

Ma'rifat

**ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:**
Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1029.
Тиражи 20377. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табок.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Назолат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчи:
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

М белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбага йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Милоҳат ТОШОВА
сахифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти — 21.00.